

Қўйинги, барча ишда бир нуқсон кўзга ташланиб турарди. Ҳисоб-китоб қилинганда, Зайниддиннинг ташкилоти жами 110 млн. 583 минг 932 сўм пулларни ўзлаштириш йўли билан растрата қилганлиги аён бўлиб қолди.

Шундагина у алданганини, аёлининг нияти унинг уйига эга бўлиш эканлигини тушуниб етди-ю, унга ишонч билдирганига пушаймон бўлди. Тезда Кароматхонни топиб, васиятномани бекор қилишни билдирган эди, аёл зумда ўзгарди.

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 20-dekabr, №51 (832)



Қиш манзараси

Бош прокуратурада

Ўзаро ҳамкорлик сари

Жорий йилнинг 11-14 декабрь кунлари Вьетнам Социалистик Республикаси Бош прокурори ўринбосари жаноб Чанг Конг Фан бошчилигидаги делегацияси расмий ташир-ф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. Ташир-ф чоғида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб, Республика Бош прокурори Р.Қодиров қабулда бўлди. Мухбиримиз ушбу ташир-ф таассуротлари, ташир-ф билан кўзланган мақсадалар ҳақида бир неча саволлар билан Вьетнам Социалистик Республикаси Бош прокурори ўринбосари жаноб Чанг Конг Фанга мурожаат қилди.

— Жаноб Чанг Конг Фан, Ўзбекистонга ташир-ф ва Ўзбекистон прокуратура органларининг фаолияти хусусидаги таассуротларингиз қандай?

— Тўғриси, мазкур ташир-ф Вьетнам Социалистик Республикаси халқ прокуратураси делегацияси учун биринчиси-дир. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг делегация жуда илиқ кутиб олинди. Уч кунлик ташир-ф жуда қизиқarli ва самимий руҳда ўтди. Бу эса, албатта, дастур мазмунли тарзда ташкил қилинганлиги билан далолат беради.

Бу вақт ичида биз Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ташкил қилиниши, тизими, фаолиятининг қонуний асослари, йўналишлари, ишни ташкил этиш принциплари, вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш жараёнлари, қолаверса, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган давр ичида прокуратура органлари фаолиятидаги халқчил ўзгаришлар билан атрофчи таъинишдик.

Дўстона қабул учун Ўзбекистон Бош прокуратураси ходимларига ва шахсан Бош прокурор Р.Қодировга деле-

Ўзбекистон халқи манфаатлари йўлида олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда замонавий суд-ҳуқуқ тизимидаги энг ил-ғор тажрибалар амалга жорий этилаётганини эътироф этиш жоиз. Биргина жиноий жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқарилгани, қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани, қамқоқда сақлаш бўйича қонунчиликнинг изчил такомиллаштирилгани эътиборга лойиқдир.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ярашув институтининг жорий этилгани ҳам қонунчиликни мустахкамлашга хизмат қилаётганини кўриниб турибди. Бу ислохотларнинг замирида, албатта, ўзбек халқининг қўл асрлик миллий қадриятлари ётибди.

Бизда ҳам худди Ўзбекистондагидек ҳуқуқий соҳадаги ишлар, энг аввало, Вьетнам халқи манфаатлари учун амалга оширилади.

/Давоми 3-бетда/



Жараён

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа алахсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Фуқаро шаъни, қадр-қиммати қонун ҳимоясида

Асосий Қонунимизнинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати-ни камситувчи бошқа тарздаги таъийққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Афсуски, бугунги кунда транс-миллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлган одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осийишта турму-шининг поймол этилишига сабаб бўлаётди.

Сир эмаски, одам савдоси кўпинча қонуний тарзда чет мам-лакатларга бориб ишлаш тўғрисида юзага келаяпти. Бундай но-легал миграция натижасида давлат чегарасини қонуний кес-иб ўтиш, божхона ва солиқ қонунчилигини қўпол тарзда бузиш каби ҳолатлар қайд этилмоқда. Аслида ҳозирги интеграцияла-шув жараёнида меҳнат миграцияси ўзининг қатор ижобий жи-хатларини намоён этган. Шу боис ишни кучини айирбошлашга дунёнинг кўплаб мамлакатлари хайрихоҳлик билан қарайди ва бу фаолиятнинг ҳуқуқий асослари кўплаб давлатларнинг мил-лий қонунчилигида акс этган.

Жумладан, юртдошларимизнинг чет элларда меҳнат фаоли-яти билан шуғулланишлари "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғри-сида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 нояб-рида 505-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тар-тиби тўғрисида"ги Ўқитиш бўлими қарарига солинган. Аммо, жи-ноятчилар ҳамда уюшган жиноий гуруҳлар содда, ишончван ва хорижда қонуний асосда ишлаш борасида етарли ахборотга эга бўлмаган айрим юртдошларимизни қўлликка маҳкум этмоқдалар.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекис-тон одамларнинг нолегал траффикага қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор халқаро ҳуж-жатлар, жумладан, Болаларни бошқа мамлакатларга ўйирлаш-нинг фуқаролик аспекти тўғрисидаги Гаага конвенцияси, Одамлар савдосига ва ўқинчи шахслар томонидан фоҳишалик-да фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва унга яқунловчи баённома, БМТнинг Трансмилий уюшган жи-ноятчиликка қарши кураш бўйича конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади. 2008 йилда мамлакатимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Уша йил-нинг 8 июлида эса Ўзбекистон Президентининг "Одам савдоси-га қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга му-вофиқ одам савдосига қарши курашувчи давлат органларининг ваколатлари белгилаб берилди, уларнинг фаолиятини мувофиқ-лаштириш учун Одам савдосига қарши курашиш бўйича Рес-публика идораларо комиссияси ташкил этилди. Одам савдо-сига қарши курашиш, унинг олдини олиш ва мазкур жиноятдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш борасида Андижон вилояти-да ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди.

Вилоятнинг барча шаҳар-туман ҳокимликларида тузилган "Одам савдосига қарши курашиш" бўйича идораларо комис-сия фаолияти назорат қилиниб, йўналтирилиб борилмоқда. Одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар, ёлловчи, жино-ий гуруҳ раҳнамолари, фоҳишахона сакловчилар, чет элларда турли ҳуқуқбузарликлар учун депортация қилинган ва бошқа ало-қадор шахслар тўғрисида доимий равишда ахборот олиниши йўлга қўйилиб, уларнинг жиноий хатти-харакатларини фош этиш мақсадида мунтазам тадбирлар олиб борилмоқда.

Узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган фуқаролар одам савдоси жиноятдан жабрланганлиги ҳолатини аниқлаш мақ-садида ҳокимлик, ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда жа-моатчилик вакилларидан ташкил толган гуруҳлар уларнинг қачон, қандай мақсадда қийиб кетганлиги, ҳозирги вақтда қаерда экан-лиги, нима билан машғуллиги, қимлар билан бирга кетганлиги ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Фуқароларни иш билан таъмин-лаш ёки бошқа мақсадларда чет давлатларга юбориш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг қону-нийлиги мунтазам текшириб борилмоқда.

/Давоми 3-бетда/

Сўнгги пайтда дунё ҳамжамияти оммада турган глобал муаммолардан бири гиёҳвандлик балоси бўлиб, маълумотларга кўра, аксарият жиноятларнинг келиб чиқишига айнан ушбу илат сабаб бўлмоқда. Гиёҳванд отанинг пуштикамаридан дунёга келган ногирон болала не айб? Кўз олинма наркотик модданинг қулига айланиб бораётган ўғлини дунёга келтирган онанзорнинг андуҳларини ўлчаб бўлармикан? Буналай муоҳазаалардан инроқ кимсалар бировнинг бахтсизлиги эвазига пул топишдан ор қилишмайди.

Суднинг қора курсисидан ўтирган Чори Жўраев билан Нормурот Жумаев ҳам пул топишининг энгил йўлини топиб, содир этаётган хатти-ҳаракатларининг оқибатини билган ҳолда, ушбу жиноятга қўл уришган.

Ч.Жўраев таниши Н.Жумаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган

Йўлидан адашганлар

Хайрулла БОБОКУЛОВ,
Қумқўрғон туман прокурори

шахсдан опий гиёҳвандлик воситасини Тошкент шаҳрига ўтказиб беришга келишган. Улар "мол"ни олиб, энди йўлга чиқмоқчи бўлганларида бошқа бир харидор пайдо бўлди. Мушкуллари осон бўлганидан хурсанд оғурушулар мижоз сифатида киритилган "З" исмли шахсга опийни сотишни ваъда қилиб, учрашув жойини белгилашди.

Келишувга биноан 2012 йилнинг 16 апрель куни Қумқўрғон тумани "Хурият" маҳалласида жойлашган "Жавҳарой-Раҳмон-қизи" хусусий фирмасига қарашли ошхонага кириб келган икки оғайни бир четга ўтириб, харидорни кута бошлашди. Аммо рўпараларида ўзлари кутган мижозни эмас, тезкор ходимларни кўриб, аввалига нима қилишни билмай, довдираб қолишди.

Холислар иштирокида текширув ўтказилганда, Ч.Жўраевнинг қўлидаги синтетик халтанинг ичидаги пивез орасидан оч-малла рангли, ўткир

хидли суюқлик солиниб, скотч билан ўралган 3 та бойлам аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинди.

Вилоят ИИБ ЭКБнинг 2012 йил 10 майдаги ҳулосасига кўра, Ч.Жўраев ва Н.Жумаевдан олинган оч-малла рангли суюқ ҳолатдаги ўзига хос хидга эга бўлган моддалар таркибидagi гиёҳвандлик алколоидлар-морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлиб, опий гиёҳвандлик воситалари туркумига кириши, ушбу модданинг соф оғирлиги 4 кг. 775 грамм эканлиги аниқланган.

Суд муҳокамасида Ч.Жўраев ва Н.Жумаевларнинг қилмишлари инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан ўз тасдиғини топиб ва улар суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

«Харажатли иш» раисга қимматга тушди

Ислом ШЕРОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Ўқтам Толиббоев фарзанди Зулайхонинг икки ёшгача нафақа пулини олиш мақсадига маҳалла раисига учрашган эди, раис Д.Широнов — Ҳужжатларни тўғрилаб келинг, — деб уни хонасидан чиқариб юборди. Кўп ўтмай Ўқтам айтилган ҳужжатларни келтириб берди. Раис апрель ойининг бошидан нафақа пули чиқишини айтиб, унга жавоб берди.

Бирок, апрель ойи тугади ҳамки, айтилган пулдан дарак бўлмади. Бир неча марта маҳалла раисига учрашган ҳам натижа бермади. У ҳар гал: "Кейинги ойинг бошида оласиз", деб ваъда берарди-ю, айтганини бажармасди.

Бу орада Ўқтамнинг акиси Ўткир ҳам фарзандига нафақа пули олиш учун маҳалла раисининг олдида бир неча бор келиб учрашди. Аммо унинг ҳам харажатлари бечасара бўлди.

Шундай кунлардан бирида Ўқтам раисни бозорда учратиб қолди:

— Раис бобо, бизнинг иш жуда чўзилиб кетаяпти-да, нега унақа бўлаяпти? Ё ҳужжатларда муаммо борми? — деб сўради.

Раис машинасига ўтиришни имо қилди:

— Бу жой жуда шовқин экан. Келинг, машинада гаплашамиз.

Машинада раис дангалига қўчди:

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, Ўқтамжон. Ҳар бир ишда қоида бор. Бу ишингиз беҳаражат бўлмайди. Ўзингиз билиб бирон нима берарсиз, дегандим. Индамадингиз.

— Шунинг илгарироқ айтмайсизми, одамни жуда хит

қилиб юбордингиз-ку!

— Майли, чўзиб нима қилдим. Сиз 120 минг, акангиз 125 минг берсин, бугунги мен тезлаштириб бераман.

— Жуда ошириб юбормаясизми, — деди Ўқтам жаҳли чиққанини яширмай. Кейин чўнтагидан 30 минг сўм чиқариб, унга узатди. — Майли, мана буни олиб қўйинг. Д.Широнов пулни оларкан, қолганини ҳам тезлаштиришни айтиб, машинасини ҳайдаб кетди.

Орадан яна анча вақт ўтди. Аммо айтилган нафақа пулидан хабар бўлмади. Ўқтам яна суриштирганди, раис:

— Қолган 215 минг сўмини келтириб бering. Сўнг иккалангизни нафақа пулингизни чиқариб бераман, — деди.

Маҳалла раисининг тамағирлиги ва хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Ўқтам охири тегишли жойга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Эртасига Д.Широновга телефон қилиб, пулни қаерга олиб бориш кераклигини сўради. Раис унга манзилни тушунтирди. Айтилган жойда учрашиб, уш атрофдаги ошоналарнинг бирига киришди. Ўқтам пулни узатганди, раис қайтарди:

— Машинамга ташлаб қўйинг, — деди секин.

Ўқтам унинг айтганини қилди. Раис энди бир йилгача нафақа пули олишини айтиб, машинасига ўтирган пайт, уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ашёвий далил билан қўлга олишди.

Суд Дилош Широновнинг етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Шунингдек, иш бўйича жиноят қуроли сифатида эътироф этилган "Нексия" автомашинаси ҳам давлат эгаллигига ўтказилди.

Ҳамжиқатлик талаб этилади

Хар йили Янги йил байрами арафасида пиротехника воситалари ноқонуний савдоси билан боғлиқ ҳолатлар кўпайиб қолади. Бунга сабаб, шундай одамлар ҳам борки, улар бу байрамни ранг-баранг пиротехника воситалари билан қарши олишни ҳуш кўришади. Аммо уларнинг инсон соғлигига жиддий хавф солувчи портловчи воситалар эканлигини ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Бу албатта, мўмай даромад топиш илмининг бўлган айрим шахсларга қўл келади.

Дангара тумани Тўлабой қишлоғида яшовчи Рашид Жўраев ҳам байрам баҳона мўмай пул топишга бел боғлаган экан.

Расман ҳеч қаерда ишламасада, Қўқон шаҳридаги "Мумтоз" бозорида савдо-сотиқ қилиб юрган кунларнинг бирида Рашидда "аъжойиб бизнес режа" тугилади. Шу кунгича у қўқонлик таниши Мухиддин Шариповнинг олдида боради.

— Бозорда бир аёл киши билан танишиб қолдим. "Чекланмаган миқдорда пайилдоқ топиб бераман" депти. Байрам арафаси, роса пули ишлаб олсак бўлади, — деди у Мухиддинга.

— Пиротехникадан яхши пул қолишини ўзим ҳам биланам, ле-

кин... — иккилангандай бўлди Мухиддин.

— Кўзга қараб, эҳтиёт бўлиб ишласак қўлга тушмаймиз... Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим, — деди Рашид.

Улар эртаси куни, Қўқон улғуржи бозорига тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Махфуза" исмли аёлдан 41630,4 минг сўмлик 31 турдаги Хитойда ишлаб чиқарилган пиротехника воситаларини сотиб олишди.

Улар режани пухта тузишган экан, сотиб олинган молларни ҳеч бир муаммосиз Қўқон шаҳар Хўқандий мавзесидаги хонадонлардан бирига олиб бориб жойлаштиришга ҳам муваффақ бўлишди. Ҳеч ким яшамайдиган хонадон Мухиддиннинг келинбойсига тегишли бўлиб, у хонадон калитини сўраб олган эди.

Улар пиротехника воситалари инсон соғлигига жиддий хавф туғдириши билан бирга, ёнган хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермаслиги, бу эса ўз навабатида, турли хил кўнгилсиз, баъзан аянчли ва фожиали оқибатлар билан бирга қучли ёнган хавфини ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмаган.

Аммо улар бу ерга жойлаштирган, байрам арафасида устамасига со-

Расулбек ШЕРЛИЕВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг бўлим катта инспектори

тишни режа қилган пиротехника воситалари мўмай пул эмас, анчагина жиддий муаммо олиб келди.

Департаментнинг Қўқон шаҳар бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда икковлоннинг ушбу хонадонга яшириб қўйган "ҳазина"си ошкор бўлиб қолди.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукми билан "пайилдоқфурушлар" қилмишларига яраша жазоларини олишди.

Тахлиллар ва кузатишлар пиротехника воситаларини ҳуқуқбузарлар қонтрабанда йўли билан қўшни республикалардан олиб келаятганлигини ва унинг савдоси билан рухсат этилмаган жойларда шуғулланаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди.

Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бирга маҳалла-қўй, таълим-тарбия масканлари ҳамда ҳар бир ота-она ҳамжиқатлида курашмоғи лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувини истеъмолчиларга етказиб бериш ва улардан фойдаланиш ҳамма бошқа турдаги коммунал хизматлар кўрсатиш борасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси доимий назоратга олинган. 2012 йилнинг 9 ойи давомида бу борада 4 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва келгусида тақдорланмаслиги учун 35 та тақлимнома киритилган. 282 нафар шахсга нисбатан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида оғоҳлантирув эълон қилиниб, 160 нафар шахс интизомий, 366 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Келтирилган зарарнинг 30 млн. 758 минг сўми жавобгар шахслардан ихтиёр равишда ундирилиб, 191 млн. 197 минг сўмлик зарарни ундириш учун суларга 231 та даъво аризалари киритилган.

«Қарс икки қўлдан чиқади» ёҳуд яна коммунал хизматлар ҳақида

М.САРҚИТБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари
Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq»

Тахлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича табиий газ тўловларидан дебитор қарздорлик (жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига) 112 млрд. 541 млн. 500 минг сўмини ташкил қилган. Шунингдек, ичимлик суви тўловларидан 2 млрд. 347 млн. сўм, электр энергиясидан эса 33 млрд. 230 млн. сўм дебиторлик қарзлари мавжуд. Бу ҳолат тизимда қўлинадиган ишлар ҳали қўлгигина кўрсатмоқда.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда айрим қорхона ва ташкилотлар режада назарда тутилмаган ўринларга ортиқча иситиш мосламалари қўйиб, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиб келишгани маълум бўлди. Масалан, "Шимолгазтаъминот" унитар қорхонасининг дебитор қарздорлиги 107 млрд. 440 млн. 900 минг сўмини ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 25 млрд. 687 млн. 800 минг сўмга ортган. Қорхонанинг Беруний тумангаф филиали раҳбарлари хизмат ваколатларини суистеъмол қилиб, туманда жойлашган "Восток" хусусий қорхонасининг табиий газдан 33 млн. 44 минг 889 сўмлик ноқонуний фойдаланганлиги ҳақидаги зарарини яшириб, анкироғи, қорхона қарздорлигини қамайтириб қўрсатиб, 308 минг 687 сўмлик сохта ҳисоблашув далолатномаси тузишган.

Амударё тумани "Назархон" овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган "Қорақалпоқ қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖ мутасаддилари ҳам бу борада "устамон"лардан чиқиб қолишди. Газдан фойдаланиш қонунийлиги юзасидан ўтказилган мониторингга маълум бўлишича, улар жорий йил январь ойининг ўзидан 19 млн. 686 минг сўмлик табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланишган. Оқибатда "Назархон" овулида яшовчи аҳолига айна қиш палласида газ етарли даражада етиб бормаган. Бунинг натижасида 40 млн. 520 минг сўмлик табиий газ ғишт пишириш учун ишлатилиб, "Амударётумангаз" филиалига ҳамда истеъмолчиларга катта миқдорда зарар етказилган.

Элиқалъа тумани "Қирққиз" овул фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи фуқаро У.Бобожонов бўлса ўз уйида ун ва шолитегирмони қуриб, электр энергиясидан яширинча фойдаланиб келган. У бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги Қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" талабларини бузган. Шунингдек, 2011 йилнинг апрелидан 2012 йил февраль ойига қадар махсус тамғаси бўлмаган электр ҳисоблагичдан ва "Ўзстандарт" агентлиги қўригидан ўтказилмаган трансформатордан фойдаланиб, туман электр тармоқлари қорхонасига 325 млн. 986 минг 688 сўм зарар етказган.

Оқоридаги аниқланган барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлар тегишли жазоларини олишди.

Хулоса қиладиган бўлсак, қўрсатилган коммунал хизматларнинг ўзласиз ва сифатли бўлиши соҳа мутасаддиларининг ишни қандай ташкил қилаётганликлари билан бирга, истеъмолчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Ахир "Қарс икки қўлдан чиқади", деб бекорга айтишмайди. Улар ҳам қўрсатилган хизмат ҳақларини вақтида тўлаб боришса, соҳада муаммолар анча қамаяди.

Фуқаро шаъни, кадр-қиммати қонун ҳимоясида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Жойларда ички ишлар идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш идоралари ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда узок муддатга чет элга кетганларни аниқлаш борасида тадбирлар олиб борилди, узок муддатга хорижга кетган шахслар ва улар орасидан яшаш манзилларига қайтган фуқароларнинг умумий рўйхати компьютер тўлимага киритилди.

Фуқароларга хорижий давлатларга чиқиш учун қонуний асосларда руҳсатнома берилиши таъминланди. Утган 11 ой давомида вилоятнинг 50 нафар фуқароларига чет элга доимий яшашга, 11901 нафарига чет элга вақтинча чиқишга руҳсат берилган.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси борасида аҳолини иш билан таъминлаш, фуқароларни ишсиз шахс сифатида рўйхатга олиш, ҳисобини юришти, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорига тенг шaroитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга қўшимча қафолатлар таъминлаши, янги иш ўринларини яратиш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда фуқароларнинг расмий равишда чет элларда ишлашлари учун ташки меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги Тошкент ва Фарғона минтақавий Бюролари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг утган 11 ойи мобайнида вилоятда жами 99 мартаба бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, жами 5604 та ташкилот ва корхоналардаги 21982 та бўш иш ўринлари тақлиф этилди. Ярмаркага таширф бюрган 32 678 нафар фуқаролардан 26526 нафари йўлланмалар асосида ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, 2012 йил 11 ойи давомида тасдиқланган дастурга асосан 74 876 та янги иш ўринлари барпо этилиб, дастур кўрсаткичи 102,6 фоизга бажарилди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгиллаш ҳисобига 2506 (105,4%) та, кичик саноат корхоналари ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 30884 (101,4%) та, яққа тартибда тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига 8593 (100,7%) та, фермер ҳўжаликларини ри-

вожлантириш ҳисобига 4883 (116%) та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 5745 (103,5%) та, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 762 (102,7%) та иш ўринлари яратилиб, фуқаролар иш билан таъминланди.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилган тадбирлар давомида 53 та ҳолат юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, 62 нафар айбдор шахсга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этиб, терговдан яширинган 30 нафар жиноятчиға қидирув эълон қилиниб, тезкор қидирув тадбирлари натижасида улардан 22 нафари ушланиб, жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Жорий йилда қўзғатилган жиноят ишларининг 8 таси аёллардан фоҳиша сифатида фойдаланиш ва 6 таси чақалоқ савдоси билан боғлиқ ишлардир. Бу тоифада қўзғатилган жиноят ишларининг асариятини, яъни 39 тасини меҳнат эксплуатацияси билан боғлиқ ишлар ташкил этган. Масалан, Ахрор Хусанов бир неча йиллардан буён қўшни Қозғистон Республикаси Жамбул вилотиға бориб ишлаб келарди. Утган йилнинг май ойида у ўзи билан бирга ишлашга қўнадиған одамларни қидира бошлади. Бунинг энг биринчи сабаби, ўзи меҳнат қилаётган қурилиш объектининг катталиги, иккиламчи сабаби эса, олиб борган усталари эвазига пул ишлаш эди. Ахрор шу мақсадда Балиқчи тумани Охунбобоев қишлоғида яшовчи Ваққос, Абдулазиз, Каримқул, Сомб, Наим, Сирожиқдин, Камол каби жами ўн уч кишини алдон йўли билан Қозғистонга олиб ўтади. Бошқаларға ўхшаб у ҳам ўзи олиб борган бу йигитларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини расмийлаштиришда керак бўлса, сизларни овора қилиб юрмай, деб олиб қўйди.

Йигитларни ишлаштириш жараёнида Ахрор Хусановнинг ваддалари эсдан чиқиб қолди. У афтидан, имкон қадар кўп иш қилдириб, кам ҳақ тўлаш пайида бўлаётганга ўхшарди. Бот-бот одамдан яхшилик қилишни писанда қилар, аммо у қандай "яхшилик" қилаётганини барча билиб турарди. Олиб кет-

Шерзодбек МАТИЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

ганларининг айримлари вояга етмаган ёшлар бўлиб, бизнинг қонунларга қўра, улар меҳнатидан фойдаланишда айрим имтиёзлар берилиши кераклигини у жуда яхши билар, аммо ётиб қолгунча отиб қол қабилди иш тутаётганди.

Шу тариқа йигитлар Талас шаҳридаги Мақсуд, Халима, Хамзат исмли фуқароларнинг уйларидаги қурилиш ишларида ҳалол меҳнат қилишди. Аммо на овқат, на шарт-шароит қўнгилдагидек эмасди. Кетиб ўйрайлик деса, паспортлари Ахрорнинг қўлида. Улар тишини-тишига қўйиб чидашга мажбур эдилар. Иш ҳақларини қисман олишарди. Қолганини сўрашса, уй эгаси шуни берди, иш тугаса, улгуржи бераркан, деб баҳона қиларди. Беш ой шу аҳволда ўтди.

Буюртмачилардан аввалдан иш ҳақини тўла олиб, ишчиларга бермай, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юрган бу шовговнинг берган ваъдаларини жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судида бўлиб ўтган мажлисда танишлари ва қонун нозирлари унга эслатиб қўйишди. Ахрор танишларининг юзига тик қарай олмади. Чунки, у катта ваъдалар бериб олиб кетган ўн уч жабрланувчи шахсларнинг иш ҳақидан 16 миллион сўм қарздорлиги аниқланди.

Бошқаларни лақиллатиб, уларнинг манфаатларини суистеъмол қилган бу шоввоз қонун ҳукмига қўра тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш авж паллага кирди. Бу борада олиб борилаётган ишлар самараси ўларок, қўридаги каби қўнгилсиз ҳолатлар аниқланиб, жабрланганларнинг поймол этилган ҳақ-ҳуқуқлари қонун йўли билан тикланмоқда.

Шунга қарамай, айтиш керакки, касаллиқни даволашдан қўра, унинг олдини олиш осонроқ. Ҳар бир инсон бу фикр моҳиятини тўла англаб етиши зарур. Шундагина, Ахрорға ўхшаганлар бошқаларни ногорасига ўйнатомайди. Агар, қўрида номлари саналган жабрланувчилар хорижга ўзбошимчилиги билан эмас, қонуний йўл билан қаниқанда эди, бошқа юрда қарз бўлиб, ночор аҳволга тушиб, алданиб қолмаган бўлур эди.

Ўзаро ҳамкорлик сари

Хар икки мамлакат прокуратура органларининг яқдиллигидан келиб чиқиб, икки томонлама ҳамкорликнинг норматив базасини шакллантириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум лойиҳасини ишлаб чиқиш борасида фикр билдирилиб, бу ҳақда баёнот имзоланди. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинган санага тўғри келганлиги эса алоҳида диққатга сазовордир.

Ҳар икки давлат прокуратура органларининг фаолиятига тўхталадиган бўлсам, Вьетнам прокуратура органлари ҳам худди Ўзбекистон прокуратурасидек назорат фаолиятини олиб боради. Вьетнам Социалистик Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мувофиқ, Вьетнам Социалистик Республикаси халқ суди ва халқ прокуратураси ўз ваколатлари доирасида социалистик қонунчилик, социалистик тузум ва меҳнаткаш халқнинг жамоавий ҳўжалиги ҳуқуқи ҳимояси, шунингдек, ҳаёт, мулк, озодлик, инсон шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш вазифасини бажаради.

Давлат, жамоа манфаатларига ва фуқароларнинг ҳуқуқларига даҳл қилувчи барча хатти-ҳаракатлар қонунга мувофиқ жазоланади.

— **Жаноб Чанг Конг Фан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фаолиятида ошкоралиқни таъминлаш, прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган ишларни ҳолис ёритиш мақсадида Бош прокуратура муассислигида "Ҳуқуқ" газетаси таъсис этилган. Вьетнам Социалистик Республикасида матбуот билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Бизда ҳам шу каби тизим фаолият кўрсатади. Яъни Вьетнам Социалистик Республикаси халқ прокуратурасининг 1960 йилнинг 26 июлида "Ҳуқуқ ҳимояси" номли газетаси, 1961 йилнинг 24 декабрида эса, "Назорат" номли журнали таъсис этилган. Ҳар икки нашр Вьетнам Социалистик Республикаси халқ прокуратураси органларининг фаолиятини ҳолис ёритишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Журналимиз бир ойда икки мартаба 10 минг нусхада, газетамиз 15 минг нусхада ҳафтада икки марта чоп этилади. Бундан ташқари, ҳафталик шанба кунги газетамизнинг махсус сони чоп этилади. Ушбу сон Вьетнам Социалистик Республикаси халқ прокуратура органларининг фаолиятини ёритувчи материалларга бағишланиб, фаш этилган жиноят ишлари, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, судларда прокурор иштироки ва бошқа шу каби муҳим вазифалар ёритилади.

Нашрларимиз билан бир қаторда, фаолиятни ва тизимдаги ўзгаришларни ёритиб борувчи веб сайтимиз ҳам бор.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, газетамиз Вьетнам Социалистик Республикаси прокуратура органлари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан бир вақтда таъсис этилган. Бу Вьетнам Социалистик Республикаси Раиси Хо Ши Минь раислик қилган даврга тўғри келган.

— **Ўзбекистон прокуратура тизими ходимларига қандай талақларингиз бор?**

— Юқорида айтганимдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбариятига алоҳида миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, шу тизимда ишлаб келаётган, ўз меҳнати билан давлат ва халқ манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинлар ҳимоясига, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшиб келаётган барча прокуратура ходимларига энг аввало соғлиқ, тинчлик ва пухта билимли бўлишларини тилайман. Чунки, бу давлат ва халқ манфаатлари ҳимоясига, давлатларимиз, тизимимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашишга хизмат қилади.

Ўз муҳбиримиз



Инсонпарварлик, кечиримлилик миллатимизга хос асрий қадриятларимиз сирасига кирди. Яхшилик, эзгулик илаларидан сув ичган маънавиятимизнинг бу кўриниши мустақиллик йилларида қабул қилинган амнистия актиларига ҳам яққол ўз аксини топмоқда. Ҳаёт йўли мураккаб. Унда кимлар хато қилади, алашад, билиб-билимай жиноятга қўла урди. Бағрикенглик ифлосли ҳисобланган амнистия акти эса айнан шундай кишилар учун тўғри ҳаёт йўлини танақлаш имкониятидир.

Авалло ана шу мақсадни ўзида муҳассам этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Конституциянинг 20 йиллиги муносабати билан 2012 йил 5 декабрда қабул қилинган "Амнистия тўғрисида" ги Қарори юзлаб оилаларга янги йил олдида қувонч, шодлик олиб кирди.

Бухоро вилоят прокуратурасида шахар-туман прокурорлари, суд раислари, ИИБ бошлиқлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ИИБ, Соғлиқни сақлаш, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарлари, "Маҳалла", "Камолот", "Нуроний" жамғармалари раислари ва бошқа ташкилот раҳбарлари иштирокида вилоят прокурори

Б.Дехқонов раислигида амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда қарорни татбиқ этишда шахсининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш, уни ҳар бир тегишли шахсга монеликсиз ва объектив қўлланилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят прокурорининг ўринбосари Б.Ирма-тов, вилоят ИИБ бошлиғи Ш.Уринов, жиноят ишлар бўйича вилоят суди раис вазифасини бажарувчи Б.Умаровлар амнистия тўғрисидаги қарор таъсир доирасига тушувчи шахслар,

Набижон ЯХШИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

амнистия акти татбиқ этилмайдиган тоифалар тўғрисида, ушбу қарорни қўллаш жараёнида суистеъмолчиликларнинг олдини олиш, очик-ошкоралик ва жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлаш юзасидан белгиланган устувор вазифаларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Тадбир якунида мазкур амнистия қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бағрикенглик ифродаси

Қарорлар кучи ижрода

Одам савдоси — глобал муаммо. Мамлакатимизда бу турдаги жиноятларни бартараф этиш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашни тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни собитқаламлик билан амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ақтам НАВРЎЗОВ,
Китоб туман прокурори



Китоб туман прокуратураси томонидан ҳам мазкур қарор ижроси ва одам савдосига доир бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Жумладан, прокуратуранинг 2012 йил иккинчи ярми учун белгиланган иш режасига кўра, одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идоралараро комиссиясининг фаолияти ўрганилди. Аниқланишича, туманда давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилиши билан бирга, қатор камчиликлар ҳамда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Жумладан, комиссиянинг 2011 ва 2012 йиллар иш режалари ҳудуддаги вазият ва қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилмай, комиссиялар ёки уларнинг аъзоларига доимий юклатилган вазифалар, яъни идоралараро ҳудудий комиссиянинг ҳар чоракда бўладиган йиғилишлари, уларнинг иш режалари, ҳисобот топшириш муддатлари, аҳолини иш билан таъ-

минлаш, жабрланувчиларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш каби тадбирларни киритиш билан чекланган. Аммо мазкур режалар комиссия йиғилишларида муҳокама қилинмаган. Тузилган иш режалар ижро учун комиссия аъзоларига тўлиқ юборилмаган ва бу режаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмасдан, назоратсиз қолдирилган.

Таъкидлаш жоизки, одам савдоси туфайли жабр кўраётган оилалар дунёнинг ҳамма минтақаларида бор. Уларнинг тақдир чиндан ҳам ачинарли. Мамлакатимизда бу турдаги жиноятни таг-томири билан йўқотиш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиниши билан бирга унинг амалий чора-тадбирлари ҳам кенг қўламда қўлланилмоқда. Республика-мизда одам савдоси жабрий-даларига ёрдам бериш, уларни даволаш бўйича реабилитация марказининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Туманимизнинг турли ҳудудларида ҳам узоқ муддатга хорижга кетганлар ва доимий яшаш манзилига қайтиб келганлар бор. Ана шундайлардан 2908 нафари рўйхатга олинган, аммо улар билан олиб

борилаётган профилактик тадбирларни талаб даражасида, деб бўлмайди. Узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган 15 нафар фуқаро, жумладан, чет мамлакатда бўлиш қоидасини бузган ёки ҳуқуқбузарлик содир этгани учун депортация қилинган 2 нафар хотин-қиз билан ҳаттоки профилактик сўхбат ўтказилмаганлигини қандай баҳолаш керак?

Чет элга ишлаш учун кетиб, қайтиб келганларни ижтимоий муҳофазага олиш, уларни иш билан таъминлаш бора-бора ҳам баъзи бир камчиликлар мавжуд. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан (жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатида) узоқ муддатга хорижга кетиб, қайтиб келган 2908 нафар фуқародан бор-йўғи 117 нафари иш билан таъминланган, холос. Ваҳоланки, қайд этилган қонун ва қарорларда мамлакатимиздан узоқ муддатга чиқиб кетган ва қайтиб келган ёки депортация қилинган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ тадбирлар аниқ-равшан кўрсатиб қўйилган. Шунга қарамай, бундай фуқаролардан 21 нафарини тиббий кўрикдан

ўтказиш ва даволаш чоралари кўрилмаган. Худди шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг туман бўлими томонидан хориждан қайтган 63 нафар фуқаро билан профилактик тадбир ўтказилмаган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тумандаги "Қайнарбулоқ" ҚФЙ ҳудудидан 223 нафар фуқаро чет элга чиқиб кетган. Бу бошқа ҳудудларга қараганда анча кўп. Бунинг сабаби ўрганилмаган. Бундай ҳолатлар аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари қоникарли эмаслигидан дарак беради. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгашида "Ишонч телефонлари" ўрнатилган бўлсада, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирор марта кўнгирок бўлмаганлиги ҳам бу борада лозим даражада иш олиб борилмаётганлигини кўрсатиб турибди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг жазога тортилиши муқаррар бўлгани ҳолда, туман ички ишлар бўлими бу жиддий ишнинг айрим жиҳатларини назардан соқит этган кўринади. Жиноятга қўл урган 5 нафар шахс ханузгача ушланмаган. Уларга нисбатан тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга ошириш ва қидирув йиғма жилдларини юритишда айрим камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, "Сурум" МФЙда яшовчи Н.Қамаров ва "Аёқчи" МФЙда яшовчи Т.Ибрагимовга нисбатан юритилган қидирув йиғма жилдларида ушбу шахсларнинг ҳозирги қунда қаерда эканликлари тўғрисида маълумот йўқ. Мазкур шахсларнинг қариндошлари, таниш-билиш-

лари суриштирилмаган ва зарур маълумотлар тўплаш ҳамда бошқа тезкор йўллار орқали аниқлаш ишлари етарлича олиб борилмаган.

Қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларининг вужудга келишига ҳудудий комиссиянинг масъул ходимлари томонидан одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Республика идоралараро комиссиясининг йиғилиш қарорлари ижросининг лозим даражада тегишли идоралар фаолияти мувофиқлаштирилмаганлиги, комиссия фаолияти устидан идоравий назоратнинг сусайтириб юборилганлиги сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси билан боғлиқ ҳужжатларни "Йиғма жилд"-ларга тикиб қўйиш билан иш битмайди. Уларни ҳаракатга келтириш ва тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Туман прокуратураси томонидан тайёрланган тақдимномада мазкур масала бўйича қонунбузилиш ҳолатларини дарҳол бартараф этиш, идоралараро комиссия фаолиятини жонлантириш, комиссия аъзоларининг масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тақомиллаштириш ҳамда аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш каби масалалар юзасидан тегишли идораларга зарур кўрсатмалар тақдим этилди.

Имкониятлар — эзгулик дарвозаси

Бугун юртимизда ишлайман, элимга, оиламга, фарзандларим келажига наф келтираман, деганлар учун барча имкониятлар эшиги очилди. Ҳатто ишбилармонлар ва талбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясига қаратилган кўплаб қонуналар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган, улар ана шу мақсадларнинг рўёби йўлида хизмат қилмоқда. Зеро, бу имкониятлар эзгулик дарвозасидир, халқимиз фаровонлиги, обоа турмушга замин яратажак.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар якунига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 30 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний қарорларга нисбатан 69 та протестлар қилиб келтирилди, 82 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, етказилган 141,2 млн. сўм зарарни ундириш бўйича 12 та даъво аризалари киритилди. Шунингдек, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Мисол учун, Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси" мутахассиси О.Дадабоев "BONU BARNO SERVIS" МЧЖга улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун чекланмаган муддатга лицензия олиб бериш эва-

зига фуқаро М.Ғуломовадан 2012 йил 27 сентябрда 1000 АҚШ долларини пора сифатида олган вақтда, жиноят устида қўлга олинган.

Унга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди ва суд ҳукми билан жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг мурожаатларига асосан уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳам таъминланмоқда.

Хусусан, масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Goodwill-KBNP" қўшма корхонаси таъсисчиси, Жануний корейлик инвестор Банг Ён Квоннинг қўшма корхона директори Э.Тўйчиевнинг ҳаракатларида норози бўлиб ёзган аризаси бўйича ўтказилган текширишда Э.Тўйчиев корхонанинг 129,2 млн. сўмлик мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур ҳолат бўйича ҳам жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бундан ташқари, ўтказилган назорат тадбирлари давомида 215 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Жумладан, 17 та ҳолатда тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний арала-

шиш ва текшириш, 19 та ҳолатда соҳа вакилларида ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатлари аниқланди. Ҳокимликлар ва назорат органларининг 59 та ноқонуний қарорлари прокуратураларнинг протестлари асосида бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Давлат бошқарув органлари томонидан ўз вақтида қўриб чиқилмаган 47 та мурожаатнинг ҳал этилиши таъминланиб, бошқа масалалар юзасидан 73 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди.

Айни кунларда "Тадбиркор — элга мададкор" сўзлари халқимиз орасида ширордек жарангламоқда. Сабаби, бугун соҳа вакилларида жамият ривож, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганини ҳамма ҳис этиб турибди. Шу маънода, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, муаммоларини ҳал этишда елка тутиш ҳам доимий эътиборимизда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 456 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 25 та тадбиркорлик субъектига банк муассасасидан 390,1 млн. сўм кредит маблағлари олиб беришда, 5 нафар тадбиркорнинг 99,5 млн. сўмлик ҳақларини ундириб беришда, 14 нафарига ер

Комилжон АЛИМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

майдонлари ажратишда, 11 нафарини муҳандислик коммуникацияларида улаштиришда, 26 нафарига ҳомашё маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмлар олиб беришда ҳамда 203 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада, 162 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Шу боис, вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бора-бора амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб, уларнинг прокуратура идораларига бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ана шу ишонч ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, жаннатмақом юртимизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, уларни аниқ ва бир ҳилда бажарилишида қонун устуворлигини таъминлаш бизнинг бурчимиздир. Зеро, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаати, унинг бахт-саодати учун хизмат қилади.



Инсонпарварлик намунаси

Абдували ОБЛОКУЛОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи
Расул ЮЛДАШЕВ,

Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида
қонунларга риоя этилиши бўйича Қарши прокурори

Хато қилганини кечириш, йиқилганини суяш, тўғри йўл кўрсатиш, инсон сифатида қаддини тиклаб, қайтадан жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун имконият яратиб бериш давлатимизнинг одилона сиёсатларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг умумий қисми бешинчи бўлимида амнистия акти жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тури, юксак инсонпарварлик ва бағрикенглик ифодаси сифатида белгиланган.

Илгари амнистия акти Президент Фармони асосида қўллаб келинган бўлса, 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномаси асосида Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилиниб келинмоқда. 2009 йилга қадар амнистия акти тергов ва суд органлари томонидан қўлланган. Эндиликда ушбу ҳуқуқ фақат судларга ўтказилди. Ўзбекистоннинг 2008 йил 22 декабрдаги қонуни асосида Жиноят-процессуал кодексига ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини судлар томонидан қўллаш тартибини белгилловчи янги — 63-боб кирипти. Ушбу қонун қабул қилинганга қадар амнистия актини қўллаш тартиби бирор-бир қонунда белгиланмаган, бу эса мазкур акти қўллашда турли тушунмовчилик ва қийинчиликларни келтириб қайраётган эди. Амнистия актини фақат судлар қўллаши ҳақидаги қонуннинг мазкур қонунда белгиланиши Ўзбекистон Конституциясининг моҳиятидан келиб чиқди ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси самарадорлигини таъминлайди.

Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори чинакам инсонпарварлик ифодаси бўлди. Юртбошимиз тақдимномасига мувофиқ қабул қилинган ушбу қарор билан юзлаб маҳбус ва маҳкумлар муддатидан олдин жазодан озод этилади ёки жазо тури энгилроғи билан алмаштирилади. Мухими, озолиққа чиқарилаётган шахслар ижтимоий ҳимояга олиниб, иш билан таъминланади ҳамда тиббий қўриқдан ўтказилиб, даволианиш учун тиббий муассасасига юборилади. Шунингдек, уларни қасбга йўналтириш ва ўқитишга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Эълон қилинган амнистия актига биноан ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшга тўлган эркакларни, шу билан бирга, чет эл фуқароларини жазодан озод қилиш қўзда тутилган. Эътибсизлик орқасидан жиноят содир этган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинади.

Озолиқдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўтالмай қолган жазо муддати икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми Қарор эълон қилинганга қадар қонуний қўлга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинади. Бундан ташқари, таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озолиқдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузатиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши кўрсатилган.

Ушбу "Амнистия акти" асосида озолиқ қилинмайдиган шахсларга нисбатан ҳам бирмунча энгилликлар берилди. Жумладан:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатда озолиқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазоси муддати — ундан бир қисмига;
б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатда озолиқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартириладиган бўлди.
Қарорда ушбу амнистия акти қўлланилмайдиган ҳолатлар ҳам белгиланган, унга қўра:

а) узоқ муддатда ёки умрбод озолиқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта ҳавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибиди жиноят содир этган; ўтаги тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибиди озолиқдан маҳрум қилиш тартибидидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;
в) таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;
г) муқаддам амнистия акти бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмади.

Қарорда амнистия актининг қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, очик-ошкоралик, сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш лозимлиги қайд этилган.

Эълон қилинган амнистия актини бекаму кўст ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир маҳкум ҳамда амнистия таъсири остига тушадиган шахсларга нисбатан ҳолисона қўлланиши ҳамда қонунбузилишларининг олдини олишда прокуратура ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимларининг ўзлари амнистия актининг мазмун-моҳиятини, қўллаш тартибини тушуниб олишлари, қолаверса, туман (шаҳар) ҳокимликлариди мазкур Қарор ижросини таъминлаш учун масъул бўлган ходимлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда йиғилишлар ўтказиб, амнистияни қўллаш бўйича тушунириш ишлари олиб боришлари керак. Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, бунда матбуот ва оммавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш лозим.



"...Эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бутунги ютуқ ва марраларга эришганини ҳолисона баҳолаб, ҳар қандай қиёр-ҳаво қайфиятларига берилмаса, оёғимиз ердан узилмаса, эртанги ёруғ, ҳеч қимман қам бўлмайган келажакимизга онгли равишда қадим қўймоқдамиз. Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва сўянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимизлар." — деган эли Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Эзгу ишлар бардавомдир

Дарҳақиқат, ёшлар давлат ва жамиятнинг келажagini, салоҳиятини белгилловчи ижтимоий қатлам саналади ва ҳар бир жамиятнинг истиқболи унда яшайётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онглилик даражаси билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назарга қўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир.

Шу маънода, мустақиллик даврида аҳолисининг 64 фоизини ташкил этаётган ёш авлодининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги манфаатларини ҳимоя этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Йигит-қизларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, сиёсий маданияти ҳамда маънавий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига синдириш вазифалари долзарб деб белгиланди.

Соҳага доир ҳуқуқий асослар яратилиб, такомиллаштириб келинапти. Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб қандайдир бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмади ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Бир-бирини тўлдирувчи "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Баркамол авлод йили" да ёшлар таъминлаш ва манфаатларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар давлат сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланади. Яқунлаётган "Мустақкам оила йили" ва қириб келаётган "Обод турмуш йили" да амалга оширилган ва оширилаётган чора-тадбирларни аввалги йилларнинг манъикий давоми дейишимиз мумкин.

Жорий "Мустақкам оила йили" да биринчи навбатда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни қучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўлаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалаларга эътибор қучайтирилди.

"Ёш оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳуқуқат қарорига мувофиқ ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та қаватлига эга бўлган 100 та қўқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, қасб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдориди микрокредитлар ажратилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилган.

Жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорт объекти фойдаланишга топширилган ҳам замонавий спорт иншоотларини барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасиди ишлар изчил давом эттириляётганини кўрсатади. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шугулланиш имконига эга бўлди.

Айни пайтда энг долзарб ижтимоий муаммолардан бири аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш муаммосидир. Конституциямизда фуқароларнинг ишсизликдан ҳимояланishi ҳуқуқий мустаҳкамланган. Демак, бу ҳолат жамиятдаги ҳар бир ишсиз фуқароннинг конституциявий ҳуқуқи тўла таъминланиши шартлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқининг белгиланган берилиши инсоннинг меҳнат қилиши, ўз лаёқатини намойиш этиши, ақлий ва жисмоний имкониятларини кўрсата олиши учун шарт оғир яратди.

Ўзбекистон Республикаси-нинг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни мазкур йўналишдаги давлати-миз сиёсатининг асосий принципларини ифодалайди. Унга қўра: меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳоли ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар, тенг имкониятларни таъминлаш; кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўлаб-қувватлаш ва

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокуратурининг
катта ёрдамчиси

раббатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шартноларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга қўмаклашиш; меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги; иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий қафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиши таъминлаш; ижтимоий ҳимояга ўта мўтҳож ва иш топшида қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратяётган иш берувчиларини раббатлантириш; иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш; аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, қасаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги; аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик қабили аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг принципларини ташкил этади.

Сўнгги йилларда аҳолини иш билан таъминлашда, асосан, хусусий ва нодавлат секторларга эътиборни қаратиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиш ва қўллаб-қувватлаш, қишлоқларда фермер ҳужалиқларини ривожлантириш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

2012 йилда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ўстувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик қорхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ҳам оилалар фаровонлигига хизмат қилиши табиий. Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилган, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур қасбларга тайёрланган, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳал тўланган жамоат ишларида жалб этилган.

Умумий тарзда айтганда, етук ва баркамол авлодини тарбиялашда оиланинг ўрнини қучайтириш, оила институтини таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаб бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Қириб келаётган "Обод турмуш йили" да бу борада янада кенг қамровли ишлар амалга оширилиши шубҳасиз ва бу, энг аввало, оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга, ёшларимизнинг ижтимоий ҳимояси янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзингга эҳтиёт бўл...

Фаровон ва тўқис умр кечириш тинимсиз меҳнат ва сабр-тоқат талаб қилади. Халқимизда "Меҳнатнинг таги роҳат" деган нақл бекорга айтилмаган. Бироқ, ҳаётда ўз манфаатини устун қўядиган, бировларни аллаб, ишончига кириб, шунинг эвазига кун кечирувчилар ҳам учраб туради. Жиноят турлари ичида энг кўп учрайдигани фирибгарликлар. Фирибгарликнинг тарихи узун. Аслида, алдов, тамагирлик, тўхмат, фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкига эгалик қилиш пайло бўлганига кўп бўлган. Замонлар оша бу илат қоралиниб, айбдорлар жазо олиб келса-да, барибир фирибгарлик такомиллашиб, ривожланиб бормоқдаки, бу анча ташвишланарли ҳолат. Маълумотларга қараганда, айни чоғда фирибгарликнинг юздан ортиқ тури мавжуд экан.

Салимжон Мавлонов муқаддам уч марта судданиб ҳам "қўзи очилмади". Бу сафар у танишларининг ишончига кириб, "Фарзандларингизни ўқитиб киритиб бераман", деб алдайди. Унинг гапларига лақа тушган Л.Пардаевдан ўзини ўқитиш қиритадан деб 4 млн., К.Шамирзаевдан эса "Қизингизни Жиззах педагогика институтига киритиб қўяман", деб 1 млн. сўм пулларини олади. Бу орада қирш имтиҳонлари ўтиб, С.Мавлоновнинг қирдикорлари маълум бўлди. Пулни қайтариб олишни истаганлар фирибгардан ном-нишон топа олмади. Энди уларнинг ёдига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тушиб қолди. Агарда алданган кишилар илгарироқ шундай қилишганда, вазият бу қадар чигаллашиб кетмасди. Суд фирибгарликини ўз ўрнига қўйган С.Мавлоновни тегишли тартибда жазолади.

Ишонч ҳисси ҳақида гап кетганда бу туйғунинг чинини каби нозиклигини, бир марта дарз тушса, қайта бутун бўлмаслигини эътироф қиладилар. Зайниддин Ашурматов мана шу ҳикмат моҳиятини нутиб қўйди. Натижада унинг ишлари бароридан келмади, аксинча, ортга кетди. Фарғоналик бу шахс "Ишонч элит транс" хусусий корхонаси бошлиғи лавозимида ишлайди. Қарангки, унинг корхонаси номи ҳам бевосита ишонч билан боғлиқ. Зайниддин ҳам бошқалар каби ҳалол меҳнат қилиши, шу орқали жамиятда обрў ва эътибор топиши мумкин эди. Бироқ, у бундай йўлдан бормасди. Енгил даромад топиш, қандай бўлмасин бойлик орттириш унинг бирдан-бир мақсадига айланган. Бу йўлда у на қонунни, на вижон амрини писана қилмади.

Қўрғонтепа туманидаги "Дардоқ" массивида намунавий лойиҳалар асосида 2010 йилдан ўн саккизта уй қурилиш речалаштирилган эди. Бу ишда буюртмачи бўлган "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси "Ишонч элит транс" билан 2010 йилнинг 5 мартда 14-рақамли пудрат шартнома имзолади. Унга кўра, мазкур компания 18 та уйни қуриб, 30 октябргача битказиб бериш мажбуриятини олди. Шу аснода унинг фикри ўзгарди. Бир куни "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК етакчи мутахассиси Анорбой Бақоевнинг ёнига борди.

— Биз қурилишни жойига келтириб берамиз. Аммо, анча-мунча камчилик бўлса, айбга буюрмайсизлар. Ахир охири хулосаси сизлар айтасизлар-ку.

— Бўпти, — деди Анорбой. — Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, буни биламиз.

— Тушунганингиз учун раҳмат, — деди Зайниддин.


Шундай қилиб, қурилиш ишлари бошланиб кетди. Корхона ҳисоб рақамига 959 млн. 5 минг сўм пул келиб

Машрабжон Холматов Дўстлик туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонасининг ер тузиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келиб фирибгарлик жиноятини содир этган. У фуқароларга ер участкалари ажратиш бериш учун ваколати бўлмасда-да, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳоким қарорини чиқариб беришни ваъда қилди. Энг ёмони, олинаётган пулларнинг ҳисобидан туман ҳокимлиги ва Ермулккадастр хизматининг масъул ходимлари ҳам манфаатдор эканлигини билдириб ўтди. Натижада, 2011 йилнинг ноябрь ойидан 2012 йилнинг май ойига қадар С.Ахатовдан 700 АҚШ доллари ва 3 млн. 810 минг сўм, А.Фозиловдан 500 АҚШ доллари ва 50 минг сўм, Х.Тешабоевдан 1 млн. 100 минг сўм ва шу каби яна бир неча фуқародан умумий ҳисобда 1200 АҚШ доллари ва 7 млн. 620 минг сўм маблағни фирибгарлик йўли би-

Хабибулла ТУРҒУНОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

лан қўлга киришти, шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборган. Шу билан бирга, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, С.Ахатовга Дўстлик шаҳри, Холхўжаев МФЙ ҳудудидан ободонлаштириш учун 0,55 га. ер майдони ажратиш тўғрисида, А.Ахатовга автошоҳбегат ҳудудидидаги 140 кв. метр бўлган савдо дўконини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида, Г.Давировга Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудидан 0,04 га. якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида, А.Сатторовга Истиклол ҚФЙ ҳудудидан ободонлаштириш учун 0,25 га. ер майдони ажратиш тўғрисида, К.Жалоловага Ф.Ғулом МФЙдан якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,06 га. ер майдони ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарорларини қалбақлаштирган. Бу ҳужжатларни фуқароларга бериш, гўёки ердан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тақдим этган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Машрабжон Холматовнинг бу қилмишига чек қўйилди. Йўқса, у яна қанча кишини алдаб ўз мақсадига етган бўларди.

Фирибгарлик борасида М.Холматовдан қолишмайди-ган Х.Яхшибоев таниши Н.Зомни кўчада қўриб, ундан




нима мақсадда кетаётганини сўради. Нисом бошлиғи Т.Саломовнинг суд қарори билан маъмурий жаримага тортилганлигини, шунинг учун банкка кетаётганини яшириб ўтирмади. Хусниддин ҳам банкка кетаётганини агар пулни берса, ўзи тўлаб қўйишини айтди. Нисом унинг гапларига ишониб, қўлидаги 150 минг сўмни тутқазиб юборди. Ўзи эса шошаётганини айтиб иш жойига қайтди. Банкка келган Хусниддин банк жамғарма касасига пуллари иккига бўлиб тўлади. Биринчи паттага 14290 сўм, иккинчисига 34285 сўм эзиб, кассага топширди. Сўнг тасдиқланган паттани қайтиб олиб, 34285 олдида "бир юз" сўзини ва "1" рақамини эзиб паттадан нусха кўчириб, Нисомга факс орқали етказди. Асл нусхасини эса йўқ қилиб юборди. Буни ҳеч ким билмасди деб адашган Х.Яхшибоев 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ туза-тиш ишларига жалб этилди.

Ният Носиров қўшниси Руфат Ахметовга банкда танишлар борлигини, агар пули бўлса, АҚШ долларида алмаштириб беришини айтди. Унга ишонган Руфат 2 млн. 850 минг сўмни тутқазди. Ният эса бу пуллари ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади. Орадан

ўн кунча ўтиб, Жиззах шаҳридаги Енгил-саноат коллежининг олдида турган М.Хайитовага ўзини банк ходими деб таништиради. "Агар пластик карточкангизда пул бўлса, 8 фоиз ушлаб қолиб, қолганини нақд пулга алмаштириб бераман", деб пластик карточкасини олади. М.Хайитованинг пластик карточкасида 184 минг сўм пул бор эди. М.Хайитовага банк олдида кутиб туришини айтди. Ўзи банкка кириб, орқа эшикдан жуфтакни ростлайди. Жабранувчиларнинг жонига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар оро кирди. Йўқса, жабранувчилар дидини кимга айтарди.

Ҳақиқатга тик қарайдиган бўлсак, фирибгар айримлари-мизнинг қўшниси эки таниш-имиз бўлиши мумкин. Бироқ эски тузумдан қолган лоқайлик, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилидаги кайфият ҳамон бизни тарқ этмагани сабаб, фирибгарларга орамизда бемалол ҳаракат қилиш имконини туғдириб бормоқдаки. Бепарволик қилмасдан ўз вақтида ана шундай кимсаларнинг қора қилмишларига чек қўйилишига ўз ҳиссамизни қўша олсак, инсоний бурчимизни бажарган бўламиз.

Поймол бўлган ишонч



Нодирбек ҲАКИМОВ,
Андижон вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Нафси Зайниддинни бир он тинчтмас, яна нималардир қилишга ундарди. Энди у Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ҳамда 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларида кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, корхонага 2010 йил мобайнида келтирилган 20 млн. сўмлик цементни нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган мазкур қийматдаги маблағни корхона газнасига кириб қилмай, банк муассасасига ҳам топширмай, ўз манфаати йўлида ишлатиб юборди.

Ўтказилган текширишлар натижа-сида корхонанинг иш ҳақидан 6 млн. 580 минг сўм қарздорлиги мавжуд эканлиги аниқланди. Шу йўсин жомоада меҳнат қилиб келаётган олтиши саккиз нафар ишчи-ходимнинг нони туя қилинди.

Ҳозирги кунда намунавий уй-жойлар барпо этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, турмуш маданиятини ошириш борасида талай ишлар амалга оширилаётган бўлса-ю, кимлардир бу ишдан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлса?! Бундай ишга асло чидаб бўлмайди. Мана шу ҳақиқатни англаб етган қонун ҳимоячилари "ўзим хон, қўланкам майдон" қабилида иш юритиб келаётган "Ишонч элит транс" хусусий корхонаси раҳбарига ишонч аталмиш бебаҳо туйғунини суиистеъмол қилиш қандай оқибатларга олиб қилишини билдиришди.

тушди. Бу пуллардан 848 млн. 421 минг 068 сўмини ҳақиқатда тасарруф қилди. Аммо бажарилган ишларнинг ҳажми кўздан кечирилганда, ҳаммаёқни камчилик босиб кетганди. Яъни бир неча уйлар ромига бир қаватдан ойна ўрнатилган, баъзисига эшик ўрнатилмаган, полга 28 мм ўрнига 22 мм қалинликдаги тахта ётқизилган, баъзиларида керамика, пол, сув жўмраклари йўқ, шунингдек, бўяш, полга линолиум ётқи-зиш, карниз ўрнатиш ишлари ўлда-жўлда қолганди. Баъзи уйларда ёри-тиш мосламалари, ванна, вентиляция, иситиш, газлаштириш тизимлари ўр-натиш қурувчиларнинг "ёдидан кўтари-рилган" эди. Қўйингки, барча ишда бир нуқсон кўзга ташланиб турарди. Ҳисоб-китоб қилинганда, Зайниддиннинг таш-килоти жами 110 млн. 583 минг 932 сўм пуллари ўзлаштириш йўли билан растрата қилганлиги аён бўлиб қолди. Лекин йил охирида қилинган ишлар юзасидан тузилган ҳисоботлар-да қурилиш ишлари тўла-тўқис бажа-рилганлиги ҳақида маълумот берил-ганди. Тагин такрорий сохта маълумот-номалар, қалбаки ёзувлар ҳужжатга тиркалди. Ёлгон аралашдими — тамом,

ишдан пугур кетади. Ўша — биз юқори-да айтган ишонч туйғуси туман каби саробларга сингиб кетди. Ўрнини нафс тамомла эгаллаб олди.

Қарангки, ташкилот ("Ишонч элит транс")нинг ҳисобчиси Зайниддиннинг турмуш ўртоғи эди. У рафиқасининг ҳам имзоларини сохталаштирди. Қўшимча қилишувлар асосида қуриб битказили-ши тугалланмаган 18 та уйни қозғозда қуриб битказиб, буюртмачига топшириб юборди. Қабул ҳайъати томонидан уй-лар қабул қилиниши ва бу ҳақда тегиш-ли далолатнома ҳам расмийлаштирил-ди. Натижада унга ишонган ва тўловни тўла амалга оширган 18 нафар фуқаро-нинг қонун билан қўрикланди-ган ман-фаатига зиён келтирилди.

Шунингдек, бу азамат массивдаги қурилган намунавий лойиҳа асосида-ги уйларни қуриб битказишга масъул бўлган "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИКдан тушган 858 млн. 286 минг сўм маблағдан 2010 йил давомида 6 та муассаса, корхона ва ташкилотлар-га жами 3.960,4 минг сўмини бошқа мақсадларга сарфлаб юборгани са-бабли қурилиш битказмасдан, та-лабгорлар манфаатини поймол қилган.

Қонун олдида барча тенгдир

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан суға шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунга кўра, мустақилликнинг ўтган даври мобайнида юртимиз ҳаққининг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, бу борада биринчи галда халқнинг сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан фаоллиги муҳим ўрин тутади. Бу эса, ҳар бир шахснинг қонуний ҳурмат қилиш ва унинг устуворлигини тан олишдек фуқаролик муносабатидан келиб чиқади. Шу боис аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнидаги муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бундан ташқари, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиши имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш мақсадида прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тежорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари фуқароларнинг қонуний раёя этишлари устидан назорат қилувчи органдан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланди. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар қўрилишида прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этиши, қонуннинг 35-моддасида эса прокурор ваколати доирасида суд қарорларига протест келтиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги "Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор иштироки самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 22-сонли буйруғининг 11-бандига асосан прокурорларнинг ушбу соҳа бўйича фаолиятига баҳо беришда апелляция протести самарадорлиги муҳим мезондир.

Бу борадаги ишларнинг самараси туфайли судларда қўрилаётган фуқаролик ишларида фуқаролар манфаатлари ҳимояси таъминланиб, аксарият ишлар бўйича қонуний ва асосланган қарорлар қабул қилинишига эришилмоқда. Лекин шу билан бирга, айрим ҳолларда моддий ва процессуал қонун талаблари бузилган ҳолда фуқаролик ишлари қўрилаётганлиги ҳам аниқланмоқда.

Айрим ҳолларда судлар ўзбошимчалик билан қўрилган қўрилмалар бошқа шахсларнинг эгалик ҳуқуқи эмас, балки фойдаланиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлса-да, бироқ мазкур қўрилмаларга нисбатан даъвогарнинг эгалик ҳуқуқини белгилаб, бу билан эгалик ҳуқуқига оид қонун нормаларини қўпол равишда бузган ҳоллар ҳам учрамоқда. Суд қарори билан даъвогар Л.Цойнинг туман ҳокимиятига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш

тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, ўзбошимчалик билан қўрилган қўрилмаларга эгалик ҳуқуқи берилганлиги ҳолатини бунга мисол қилиш мумкин.

Аниқлаштириб, Ж.Саломатини ўзининг ўзбошимчалик билан қўрилган турар жойини фойдаланиб туриш учун Л.Цойга берган. Лекин Л.Цой мазкур қонуннинг қўрилмаларга унинг эгалик ҳуқуқи белгиланган бўлса-да, судга даъво қилиб, улардан 15 йилдан буён фойдаланиб келганлигини кўрсатиб, эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган. Суд даъво талабини ўрганиб чиқиб, қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Бунинг устига суд Л.Цойнинг ўзига тегишли бўлмаган ер майдонида қўрилган қонуннинг иморатлардан фойдаланиб келаётганлиги етмагандй, эски иморатлар устидан архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига зид равишда ўзбошимчалик билан янги иморатлар қурганлигига, шунингдек, ушбу қўрилмаларни тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигига ҳам тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган.

Суднинг мазкур қарорларига нисбатан прокуратура томонидан назорат тартибда протест келтирилган.

Амалдаги қонун меъёрлари бўйича, бу каби фуқаролик ишларини ўрганишда эътибор қилиниши лозим бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасида ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Якка тартибда қўрилган уйга бўлган мўл ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 24-бандида ўзига белгиланган тартибда ажратилмаган ер участкасида шахснинг ўзбошимчалик билан қўрилган иморатига нисбатан мўл ҳуқуқини суд Фуқаролик кодексининг 212-моддасининг 4-қисми талабига мувофиқ, башарти мазкур ер участкаси шу шахсга қўрилган иморат учун белгиланган тартибда ажратилмаган бўлсагина, эътироф этишга ҳақли эканлиги, қайд этилганларни инобатга олиб, ишларни тўғри ва имкон қадар ҳал этилишини таъминлаш мақсадида даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда қўришга тайёрлаш босқичида судлар, низои ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш учун даъвогарга ўзбошимчалик билан қўрилган иморат жойлашган ер участкаси белгиланган тартибда унга берилганлигини тасдиқловчи ҳокимият қарорини тақдим этишни тақлиф қилиш

лиги белгиланган.

Шу билан бирга, низоли уй жойлашган ер участкаси ким-

га ва қайси ҳужжат асосида ажратилганлиги ҳақидаги тегишли маълумотларни ўрганиш лозим.

Қонун талаби бўйича тегишли тартибда давлат органлари томонидан рўйхат олинмаган қўрилмалар ўзбошимчалик билан қўрилган қўрилма ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 212-моддасига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўрилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қўриш учун зарур ресурсларга олмадсан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиҳдий бузган ҳолда қўрилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мўл ўзбошимчалик билан қўрилган иморат ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан иморат қўрилган шахс унга мўл ҳуқуқини ололмайдди. Бундай иморат қўрилиши натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан ушбу иморат суднинг қарорига асосан унинг қўрилган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташлиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Якка тартибда қўрилган уйга бўлган мўл ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қўрилган иморатга нисбатан мўл ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги даъволар ўзбошимчалик билан иморат қўрилган шахс ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинганда қатъи назар, судларга тааллуқли эмас.

Бундай даъволар билан арз қилинганда, суд Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 152-моддасининг 1-бандига асосан аризани қабул қилишни рад этади. Агар иш қўзғатилган бўлса, ФКнинг 100-моддасининг 1-бандига кўра иш юришти тугатади ва аризачига ушбу талаб билан тегишли ҳокимият органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим. Бироқ, суд қонуннинг қўрилмалар тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, ушбу иморатларга нисбатан даъвогарнинг эгалик ҳуқуқини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддасига асосланилса, бундай ҳолда моддий ҳуқуқ нормалари бузилади.

Бундай ҳолатда судга тааллуқли бўлмаган даъво иши қўрилиб, ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 207-моддаси талаби бузилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 312-моддаси 4-бандига кўра, моддий ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланганлиги суд қарорининг апелляция, кассация ва назорат тартибда бекор бўлишига асос бўлади.

Бундан ташқари, суд мазкур тоифадаги ишларни қўришда туман турар жой бинолари ва кадастр хизмати бўлими вакилларининг ишга жалб этилганлигига эътибор қаратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Фуқаролик кодексини таътиб қилишда суд амалиётида вуқудга ке-

ладиган айрим масалалар тўғрисида"ги Қарорининг 5-бандига кўра, суд низои ҳал этишда битимнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун манфаатдор томонлар тақдим этган ёзма далиллар (тасдиқланмаган шартнома, тилхат)нинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Зарур ҳолларда, масалан, собиқ мўл соҳиб вафот этган ёки унинг манзилини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда суд хусниҳат экспертизаси ўтказиш мақсада мувофиқлиги масаласини ҳал этиш лозимлиги белгиланган.

Айрим ҳолларда судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилиши ҳам аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 207-моддаси талаблари бузилиб, судлар томонидан даъво аризаларида келтирилмаган талаблар муҳокама қилиниб, даъво талаблари судга тааллуқлилигини муҳокама қилмасдан асоссиз ва қонуннинг қарорлар қабул қилинган.

Ўз навбатида айрим ҳолларда ҳокимиятлар ва унинг тизимлари томонидан ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлиги ҳолатлари юзасидан ваколати доирасида ўз вақтида тегишли чоралар қўрилмаганлиги оқибатида фуқаролик ишлари бўйича судларга ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ҳақида даъво қилишга олиб келган.

Вақоланки, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган фуқаро ва юридик шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 60-моддасига кўра маъмурий ҳужжатларлик чорасини қўриш учун жиноят ишлари бўйича судга мурожаат қилинмаган.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори кўра, даъвогар туман ҳокимиятининг жавобгар Д.Жабборовга нисбатан ўзбошимчалик билан темир девор билан ўраб олинган ер майдонини бўшатиш ҳақидаги даъво аризаси рад қилинган. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ва темир панжара билан ўраб олинган ер майдони Д.Жабборовга вақтинча фойдаланиш учун қолдирилган.

Худди шунингдек, бошқа суднинг қарорига кўра даъвогар туман ҳокимиятининг жавобгар З.Қамоловага нисбатан қонуннинг эгалланган ер майдонидаги қўрилмаларни бузиш ҳақидаги фуқаролик ишларини қўриб, даъвогарларнинг даъво талабларини рад этиш ҳамда жавобгарлар томонидан ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонларидан ва қонуннинг равишда қўрилган қўрилмалардан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб берган.

Хусусан, суднинг қайд этилган фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларида жавобгарлар Д.Жаббаров, Й.Захаров ва З.Қамолова ўзбошимчалик билан ер майдонини эгаллаб, темир панжара билан ўраб олишганлиги ва ушбу ер майдонида қонуннинг қўрилмалар қўришганлиги қайд этилган бўлса-да, суд ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонини жавобгарларнинг фойдаланишига қолдириб, ўз ваколати доирасидан четга чиққан.

Мохира ҚУРБОНОВА,
Бош прокуратура бўлими
бошлиғи ўринбосари

Мазкур фуқаролик ишлари бўйича даъвогар туман ҳокимияти ўз даъво аризаларида жавобгарга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатишни сўраган, бироқ суд мазкур даъво талабларини муҳокама қилмасдан ва фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлилигини аниқлашдан даъво талаблари доирасидан четга чиқиб, қўрилмаларни бузишнинг рад этиш ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини нисбатан жавобгарларнинг фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақида нотўғри ва асоссиз хулосага келган.

Шунингдек, суд мазкур фуқаролик ишларини қўришда туман турар жой бинолари ва кадастр хизмати бўлими вакилларини ишга жалб қилмаган. Бунинг устига суд ақин бир йил давом этган бўлса-да, бироқ мазкур ишлар бўйича суд мажлисида туман ҳокимиятидан юборилган вақилининг ишончмасиз иштирок этганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган ва Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 53-моддасида талабларини қўпол равишда бузган.

Суд қайд этилган фуқаролик ишлари юзасидан жавобгарларнинг ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаб, у ерда қонуннинг иморатлар қўриб олганликлари, ушбу қўрилмалар ҳеч кимнинг қонун билан қўрилмаганидан ҳуқуқ ва манфаатларига зид эмаслиги, иморат ва иншоотлардан ошқора фойдаланиб келаётганлиги, бирор-бир шахснинг ҳаёти ва соғлиғига ҳаф туғдирмаслиги, жавобгар қўрилган иморатлардан санитария-эпидемиология ва ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларига роия қилган ҳолда фойдаланиб келаётганлигини, электр энергияси тармоғига ва ичимлик суви тармоқларига дахли йўқлигини баён қилиб, даъво аризаларини рад этиш ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларини жавобгарларга вақтинча фойдаланиш учун қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Вақоланки, иш ҳужжатларида ушбу қонуннинг қўрилмаларини санитария-эпидемиология ва ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларига роия қилган ҳолда қўрилганлиги ва фойдаланилаётганлиги ҳамда электр энергияси тармоғига ва ичимлик суви тармоқларига дахли йўқлиги ҳақида тегишли бирор-бир ҳужжат мавжуд эмас.

Албатта, ҳар бир шахс ўз мулкига, хусусан, турар жойига эга бўлиш, ундан истиғнада фойдаланишни хоҳлайди. Бироқ, бунинг учун интилиб яшайётган ҳар бир инсон энг биринчи галда, қўл ураётган ишнинг қонунийлигига асосланиши лозим. Чунки, бунга амал қилмасдан вақти келиб, ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатга сабаб бўлиши тайин. Энг ёмони эса, билиб туриб, бепарволик ёки ўзбошимчалик билан бунга қўл уришдир. Шунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси, қонунни ҳурмат қилиш ва унинг талабларига қатъий амал қилиши лозим. Ана шундангина биз қўзлаган ҳуқуқий демократик давлат қуришда эзгу мақсади-мизга эриша оламиз.

Разолат ботқоғида

Отаҳон аввалига бу аёлдан жуда миннатдор эди. Ахир ота-онаси қариб, қучдан қолганидан кейин бир бор бўлса-да, йўқлаб қўйишга "вақт тополмайдиган" фарзандлар қанча... У-чи, у бошқаларга ўхшамайди. Тўғри, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида назоратчи сифатида фаолият юритгани боис, хизмат вазифасига кўра парвариришга муҳтож қариялардан хабар олиб туриши лозим. Кароматхон ҳам Солиҳон ота(исм-фамилиялар ўзгартirilган)га бириктирилгани сабабли тез-тез уйига келиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб турибди. Лекин бу меҳрибонлик аллақандай, ўзгача эди.

Елғизликдан қийналган, аёл меҳрига ташна қариянинг бундай муносабатдан боши осмонга етгудек бўлди. Энди унингга келган Кароматхон Мансурова ҳам ўзини худди бекалардек тутта бошлади. Кўп ўтмай муносабатлари янада чуқурлашиб, суҳбат курадиган, турли орзу-хаёлларга бериладиган бўлишди. Отаҳон унга шунчалар ишонч билдирдики, гарчи муносабатлари иш ниҳок ўқитиш ёки расмийлаштириш билан яқунланмаган бўлса-да, аммо охиракунда Кароматхон билан давлат нотариал идорасига бориб, ўлимидан кейин ўзига тегишли барча мол-мулкка Кароматхон эгаллик қилиши ҳақида васиятнома ёзиб, тақдирлади олди.

Аммо афсуски, отаҳоннинг қувончи узокқа чўзилмади. Васиятнома расмийлаштирилди-ю, Кароматхоннинг таширифи камаё бошлади. Бу ҳолдан отаҳон аввалига ҳайрон бўлди. Ёши ўттирирагани боис, кўнгли нозик бўлиб қолгани учунми, кейинчалик хафа ҳам бўлди. Бир-икки марта бунинг сабабини сўрамоқчи бўлган эди, Кароматхон уни жерикб берди. Шундагина у алданганини, аёл-

нинг нияти унинг уйига эга бўлиш эканлигини тушуниб етди-ю, унга ишонч билдирганига пушаймон бўлди. Тезда Кароматхонни топиб, васиятномани бекор қилишни билдирган эди, аёл зумда ўзгарди. Яхши гаплар билан уни тинчлантиришга урина бошлади. Аммо отаҳон кўнмади.

Эндигина амалга ошган режасига пугур етишсини сезган Кароматхон бунинг олдини олиш пайига тушди ва ўзи билан бирга ишлайдиган Санобар Воҳидовани ёрдамга чакирди. У ўз навбатида маҳалла раиси Тўлаган Ҳақимовни воқеадан огоҳ қилиб, ёрдам берса, шунга яраша хизмат ҳақи ҳам беришларини писанда қилди.

Шундай қилиб, бировнинг уйига эгаллик қилиш ҳаракатига тушган, бу йўлда ҳатто котилик қилишдан-да тап тортмас даражага келган ўчовлон ишга киришиди.

Уларнинг режалари ўйлаганларидан кўра осон амалга ошди. Отаҳоннинг мастлигини кўрган икки дугона дарҳол Т.Ҳақимовга хабар қилиб, унга унинг калитини беришди. Уйга кириб, қариянинг ухлаб ётганини кўрган раис вақтни ўтказмай шу атрофдаги шиша билан унинг бошига бир марта туширди. Саксон ёшни қоралаб қолган кекса одамни йўқотиш учун биргина шу зарба-нинг ўзи кифоя қиларди. Бирок, қилган ишидан қониқиб ҳосил қилмаган қотил, ёстиқчи унинг юзига босди...

Кўп ўтмай йў сотилди ва келишувга биноан, Т.Ҳақимовга 2 млн. 500 минг сўм, Санобарга эса 900 минг сўм берган Кароматхон қолган пул билан мол-мулкни ўзининг тасаруфига ўтказди.

Ачинарлиси, икки дугонанинг қилиши факатгина ушбу қотилликдан иборат эмас экан. Маълум бўлишича, бундан беш йилча муқаддам Санобар ҳам 1919 йилда

Комил НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

туғилган бир кампирга худди Кароматхон сингари назоратчи сифатида бириктирилган бўлиб, уни ҳам шайтон йўлдан уради. Дугонаси билан гапни бир ерга қўйида, кампирни йўқ қилиб, унинг уй-жойига эгаллик қилиш режасини тузади. Онаҳоннинг касал бўлиши улар учун айна мударра бўлади ва Санобарнинг ишораси билан Кароматхон кампирнинг оёқларидан ушлаб туради. Санобар эса ёстиқни олиб, унинг оғиз-бурнини беркитади...

Иш битгач, дугонаси Кароматхонга берган ёрдами эвазига 100 АҚШ доллари ва қадимий услубда ясалган тумбочкани ҳадя қиларди.

Айтмоқчи, тергов давомида Кароматхоннинг яна бир жинояти фож етилди. Анқилинишча, у елғиз ўзи истиқомат қилувчи бошқа бир нафақахўрнинг ишончига кириб, ўзига қарашли бир хонали уйни қариянинг уйига алмаштиришни ва яна қўшимча 1 млн. 500 минг сўм беришни таклиф қилган экан. Хонадон соҳиби бунга рози бўлган, нотариал идорага бориб, уйни ўғлининг номига расмийлаштириб олади-ю, берган вадасининг устидан чиқинчи ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимларининг олиб борган сай-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноий гуруҳнинг фаолият фож етилди ва суд ҳукми билан уларнинг ҳар бирига турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Йўқса, ким билсин, нафсининг тузоғига илинган бу кимсалар яна қанчадан-қанча елғиз ашовчи қарияларнинг мол-мулкига кўз тикиб, умрига ҳам зомин бўлишармиди?!

Халқимизла қариндош-уруғ, дўсту бирорлар, таниш-билишларнинг ҳолидан хабар олиб туриш, бир-бирининг хонадонига ташириф буюриб, бир пиёла чой устида «отамлашиш» яхши анъанага айланган. Зоҳиджон Маҳкамов(исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам 2012 йилнинг 11 февраль куни эски танишининг ҳолидан хабар олиш учун сафарга отланди.



Танишини «софинган» одам

Р.Жўраев,
Бағдод туман прокуратураси терговчиси

Кўшни Қирғизистон Республикасининг Чўнгара қишлоғида яшовчи Маҳмуднинг уйига бориш учун икки давлат сарҳадларидан ўтишга тўғри келарди. Зоҳиджон чегарадан ўтиш қонун-қоидаларини яхши билса-да, қонуний тартибда ўтиб боришни орқича дахмаза деб билиб, айланма йўлни танлади. Давлат чегара постлари ўрнатилмаган, чегара хизматчилари томонидан қўриқланмаётган айланма йўллар орқали, яъни Риштон туманининг Навбахор қишлоғидаги айланма йўл билан мамлакатимиздан қўшни давлатга ўтиб, у ердан манзили томон ошарди.

Маҳмуд уни илиқ қутиб олди. Дастурхон атрофида узок суҳбат қуришди. Зоҳиджон оғайинсининг уйда 3 кун қолиб кетди. Бу орада у Маҳмуднинг ишларида ҳам ёрдамлашиб, орта қайтадиган бўлди. 14 февраль куни уйига қайтаётган Зоҳиджон яна чегара назоратини четлаб ўтишга уринди. Риштон туманининг Навбахор қишлоғидаги айланма йўл орқали юртимиз ҳудудига ўтаётган вақтда, шу ҳудудда хизмат олиб бораётган чегара хизматчилари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман суди томонидан ўз хатти-ҳаракатлари билан "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш тартиби" қоидаларини қўпол равишда бузган Зоҳиджон Маҳкамовга тегишли жазо тайинланди.

Бирон-бир касбнинг бошини тутиш ўрнига "қўлни совуқ сувга ўрмай" туриб, мўмай пул топиш дармида юрганлар ҳамма лаврларга ҳам бўлган. Буналайлар қаторига бутунги куннинг валютасурушларини ҳам киритиш мумкин. Минг афсуски, олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, ушбу "касб"ни ҳамон ўзлари учун тирикчилик манбаига айлантириб олганлар учраб турибди.

«Адашган» валютасуруш

Элмурод АЗИМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

25 ёшга кириб, бирон касбнинг бошини тутмаган Абдор Охунжонов ҳам осон йўл билан бойиш ҳақидаги хомхаёлларга берилиб бошлади. Ана шу хаёллар жиноят кўчасига бошлаб кираётганини англаб-англамай туриб, у қонуннинг валютасурушлари билан шуғулланишга киришиб кетди. Кунларнинг бирида А.Охунжонов тасодифан телефонда Нигора исмли қиз билан танишиб қолади. Ҳали дурусткор танишиб улгурмай, у қизга валюта олди-сотдиси билан шуғулланишни, агар бу борада ёрдам керак бўлса, тайёр эканлигини айтиди.

Орадан кўп ўтмай, Нигора унга кўнғироқ қилади ва 5 минг 200 АҚШ доллари олмақчилигини айтганида, А.Охунжонов "қора бозор" нарҳида алмаштириб беришни ваъда қилади. Унинг фаолияти қонунийлигини тушуниб етган Нигора бу ҳақда тегишли тартибда СВОЖДЛҚК Департаментининг Сергели туман бўлимига мурожаат қилади.

Нигорага кўнғироқ қилган А.Охунжонов Юнусов туманининг Шахрисотан кўчасида учрашишни ва шу ерда ҳар бир АҚШ долларини 2870 сўмдан алмаштириб беришини айтиди. Айтилган манзилда у Нигорага 520 АҚШ долларини 14 млн. 924 минг сўмга сотган пайтда СВОЖДЛҚК Департаменти ҳодимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди.

Суд ҳукми билан А.Охунжонов қонуний жазосини олди. Хулоса қилиб айтганда, валютасурушчи йўли билан миллий валютани қадрини туширишга, шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётига пугур етказишга ҳаракат қилаётганлар эртами-кечми тегишли жазоларини оладилар.

«Холис хизмат» баҳоси

Баҳодиржон ҚҮЛДОШЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Фарғона туман
бўлими бошлиғи

Кохратон қиш. Йўллардаги қор эриган, бироқ далалар, боғлар ҳамон оққа бурканган. "Ласетти"ни дала йўлидан бошқариб бир четда тўхтатган хайдовчи теваарак-атрофга кўз югуртиради. Ҳеч зор кўринмайди. Богнинг шийлони ҳам кимсасиз. Қутиб олмақчи бўлган иш юритувчи қайда қолди? Бу фикр хаёлидан ўтар-ўтмас, машинанинг эшиги очилди. Салом-алиқдан сўнг, Ҳамидулло ёнига ўтирган одамга бир варақ қўғоз узатди.

— Мана комиссиянинг хулосаси. Богингиз сервис ерда жойлашмагани ҳақида ўз фикримизни бердик. Энди бузмасангиз ҳам бўлаверарди.

Иш юритувчи унинг қўлига "хизмат ҳақи"ни тутқазди. Раис пулни олиб, чўнтагига солганидан кейин у машинадан тушди. Уша заҳоти хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари пайдо бўлишди. Холислар иштороқда раис хозиргина "холис хизмати" эвазига талаб қилиб олган 300 АҚШ долларни чўнтагидан чиқариб берди. Машина ичи кўздан кечтирилганда яна салкам 1 млн. сўмдан кўпроқ пул ва 200 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида ҳам Ҳамидулло Ҳасанов айбига қисман иқдор бўлди. У тумандаги Сойбўйи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси эди. Оиласи билан Арча қишлоғида истиқомат қиларди. Нафсининг ногорасига ўйнади-ю, мисқолаб йиққан обрўсини бир пул қилди. Бу ишдан кейин унинг устидан жиноят иши кўзгатилади.

Воқеанинг боши 2011 йил 27 декабрь куни Фарғона туман ҳокими томонидан қабул қилинган Сойбўйи ҚФЙ ҳудудидagi айрим деҳқончилик, боғдорчилик йўналишларидаги фермер ҳўжаларининг суви майдонлардаги боғларини бузиб, ўрнига бошқа ҳудуддан янги боғ барпо этишлари учун рухсат бериш тўғрисидаги қарорга бориб тақалади. Ушбу қарорнинг иловасига "Исаков Камолбек" номили боғдорчилик фермер ҳўжаларининг 5 гектар боғи ҳам киритилган эди. Ҳўжаларнинг иш юритувчиси А.Исаков ўзининг эътирозини билдирди. Қанақасига сервис ер бўлсин, ахир боғни тик дренаж қудуғининг суви билан суғоради-ку!

Ҳ.Ҳасанов фермерга ён босган киши бўлиб, комиссия тузасми, текшириб хулосасини берасми, боғингиз ўрнида қолаверади, дея унинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Бунинг эвазига

ундан 50 АҚШ доллари ва 20 минг сўм сўраб олди. Сўнг, номингагина қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi маҳалла оқсоқоллари Т.Мадьяров, А.Қодиров, М.Масандов, ММТП раиси Т.Марасулов, ер ресурслари бўлими мутахассиси М.Саломовлардан иборат, аслида боғни бузиш ёки бузмадан қолдириш борасида тегишли ваколатга эга бўлмаган комиссия тузиб, далолатноманинг тўлдирилмаган бланкасига барча комиссия аъзоларининг имзоларини қўйдирди. Шундан кейин гўё комиссия томонидан "Исаков Камолбек" боғдорчилик фермер ҳўжаларига атрофдаги ўрғиниб чиқилгани ва бу ҳўжаликни туман ҳокимининг қарори билан тасдиқланган рўйхатдан чиқариш хусусида хулосага келинганга оид далолатномани ёзиб, муҳр босди.

— Хулоса тайёр, — деди Ҳ.Ҳасанов боғ эгасига. — Устига яна 300 доллар бериб, олиб кетаверасиз.

Раис хулоса учун аввал сўраб олган пул етмаганидай, камига яна 300 доллар талаб қилаётгани учун А.Исаковнинг фиғони фалакка чикиб, СВОЖДЛҚК Департаментининг туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Унинг аризаси бўйича ўтказилган тадбирда Сойбўйи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳ.Ҳасанов жиноят устида ушланди. Пورا сифатида олган 300 АҚШ доллари билан ташқари машинадаги пулни қизининг ўқиши учун тўланадиган контракт тўлови, 200 АҚШ долларини эса хотини ва ўғли томонидан ўзининг туғилган қўнига берилган совға сифатида изохлади. А.Исаковдан олган 300 долларини ҳам гўё ўзига эмас, фуқаролар йиғинига ҳомий томонидан берилган ёрдам пули эди, дея сувадан қуруқ чикмоқчи бўлди.

Суд мажлисида раис бирон-бир ваколатга эга бўлмаган "комиссия"нинг хуқуқий ҳўжат ўрнига ўтмайди хулосасини тузиб, фермер ҳўжалиги иш юритувчисидаги фирибгарлик йўли билан 300 АҚШ долларини талаб қилиб олгани далиллар, гувоҳларнинг қўрсатмалари билан ўз исботини топди. Суд унинг бу қилмишига яраша жазо тайинлади.

Табаррук айём

Мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Игамберди Ҳакимов табаррук 90 ёшни қаршиламакда.



У Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, кўрсатган жасорати ва буюк ғалабага қўшган ҳиссаси учун бир неча мартаба давлат мукофотлари — ордени ва медаллар билан таъдирланди.

Игамберди Ҳакимов меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида бўлим прокурори, Фаргона ви-

лоят прокуратурасида бўлим бошлиғи, Қўқон шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, етакчи илмий ходим, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустахкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази (ҳозирги Олий ўқув курслари)да катта ўқитувчи, кафедра мудири лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

У етук ҳуқуқшунос, амалиётчи олим, юридик фанлар доктори, профессор сифатида узоқ йиллар давомида бой билим ва тажрибасини ҳуқуқшунос ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, қўллаб-қувватлаш, фан

номзодлари ва докторларини етиштириб, сафдошлари ва эл-юрт ҳурматини қозонди. Олим сифатида қўллаб-қувватлаш, услубий-амалий қўлланмалар ва рисоалар ёзиб чоп этди.

Мустанкил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасини, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят-иқроия кодексларини тайёрлаш комиссиялари таркибида иштирок этиб, қонунларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Инсон қадри унинг Ватан, эл-юрт, жамият ва давлат олдидаги меҳнатлари билан баҳоланади. Игамберди Ҳакимовнинг садқот ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳукуматимиз ҳамда Республика Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист", "3 даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвонлари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан таъдирланди.

Ҳурматли Игамберди Ҳакимович, табаррук ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилаймиз!

Жонқуяр инсон



Меҳнатсевар ва жонқуяр инсон, прокуратура фахрийси Тўлқин Расулов кутлуг 75 ёшни қарши олмакда.

У 35 йилга яқин умрини мамлакатимизда эл-юрт тинчлиги ва озоишталлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Тўлқин Расулов иш фаолияти давомида Тошкент вилоят прокуратураси тизимида туман прокуратурасининг терговчиси, Чиноз туман прокурори, вилоят суди аъзоси, Тошкент транспорт прокуратураси терговчиси, прокурор ёрдамчиси, Ўзбекистон транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

У меҳнатсеварлиги, қўп иллик амалий иш тажрибаси, теран билими, ёшлар ва шогирдларга бўлган ғамхўрлиги, одамлар билан муносабатда самимиёлиги билан ҳамкасбларининг ҳурмат ва эъзозига сазовор бўлди. Изланувчанлиги, ташаббускорлиги, бурғи садқоти, фидойиёлиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Тўлқин Расуловнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустахкамлашга қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 27 августдаги Фармонида асосан "Жасорат" медали билан таъдирланди.

Ҳурматли Тўлқин Тошпўлатович, кутлуг айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийдат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Прокурор протести асосида

Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳўжалик сулаларида қўрилаган ишлар доимий ўрганилиб, аниқланган асосиз суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб боришмоқда. Хусусан, вилоят прокуратурасининг 2012 йил 2-ярмига мўлжалланган иш режасига асосан ҳўжалик сулалари томонидан ўтган йил ҳамда жорий йилнинг 1-ярмида банкрот деб топишга доир ишлар бўйича амалиёт ўрганилганда, Тошкент вилояти ҳўжалик суди томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойида эса банкрот деб топиш билан боғлиқ 100 та ҳўжалик ишлари қўрилган.

Улардан 7 таси прокурорларнинг даъволари бўйича, 90 таси ДСИларнинг, 3 таси қарздорларнинг даъвоси бўйича қўриб чиқилган. Қўрилган ҳўжалик ишларидан 89 таси бўйича даъволар қаноатлантирилган. 2 таси рад этилиб, 9 таси қўрмасдан қолдирилган.

Масалан, Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 9 январдаги қарори билан Чирчик шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг қарздор "Chirchiq teplo system" масъулияти чекланган жамиятини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган. Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан маълум бўлишича, масъулияти чекланган жамиятнинг таъсисчиси "Chirchiq invest" ОАЖ бўлиб, унинг таъсисчиси эса Ш.Абдуҳамидов бўлган.

Суд қарориди Ш.Абдуҳамидов 2012 йил 6 январдаги судда иштирок этиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг ажрими билан ҳўқм ўзгартирилганлиги, бюджет олдидидаги тўловларни тўлаб берганлигини маълум қилганлиги қайд этилган. Аммо, иш ҳужжатларида Ш.Абдуҳамидов томонидан

бюджет олдидидаги қарздорликнинг ёпилганлиги ҳақида маълумот йўқ. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 20 августдаги ҳўқми билан Ш.Абдуҳамидов ЖКнинг бир қатор моддалари билан айбли, деб топилиб, унга амнистия акти қўлланилган ва жазодан озод этилган. Шунингдек, суднинг ҳўқми билан МЧЖни кичик бизнес субъекти сифатида рўйхатга қўйиб, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланган учун Ш.Абдуҳамидовдан солиқдор тартибда 844 млн. 694 минг сўм ундириш, МЧЖга тегишли барча мол-мулкларни дастлабки тергов даврида хатланган авторанспорт воситаларини, "Chirchiq matlubot invest" МЧЖга сақлаш учун топширилган мол-мулкларни, ва бошқа қатор мол-мулкларни солиқ тўловлари бўйича етказилган зарарни ундириш учун йўналтириш белгиланган. Бироқ, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг юқорида қайд этилган санадаги ҳўқми билан ундирувга қаратилган бир қатор мол-мулклар, жумладан, Сергели тумани Сергели-3 5-уйдаги хонадон сотилиб, солиқ бўйича зарарни

Шўҳрат ХУСЕНОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

ундиришга қаратилгани суд томонидан аниқланмаган.

Шунингдек, 2009 йил 28 май кунидида далолатнома асосида "Chirchiq teplo system" МЧЖ директори А.Ибрагимов "Chirchiq teplo system" МЧЖ таъсисчиси 2009 йил 28 апрелдаги қарорига асосан Ш.Абдуҳамидовга 480 292 085 50 сўмлик товар-моддий бойликларни бериб юборган. Ваҳоланки, Ш.Абдуҳамидов "Chirchiq teplo system" МЧЖнинг эмас, балки "Chirchiq invest" ОАЖнинг таъсисчиси ҳисобланади.

"Chirchiq teplo system" МЧЖни тугатиш бошқарувчиси Чирчик шаҳар ДСИ томонидан эса суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида шошма-шошарлик билан "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасига асосан, "Chirchiq teplo system" МЧЖнинг мол-мулклари йўқлиги сабабли қондирилмаган 1 662 969 176 10 сўм қарз мажбуриятларини қаноатлантирилган мажбуриятлар деб ҳисоблаб, қарздан кечиб ва ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисида ажрим чиқариш 2012 йил 27 февраль кунини қўриб қўйилган.

Вилоят прокуратураси томонидан суднинг 2012 йил 9 январдаги, яъни "Chirchiq teplo system" МЧЖ ни банкрот деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида апелляция протести келтирилиб, вилоят ҳўжалик суди апелляция инстанциясининг қарори билан протест тўлиқ қаноатлантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши натижасида республикамизнинг қатор вилоят, шаҳар ва туман марказларида янги савдо-саноат тармоқлари, маъмурий-маданий, ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари қўрилиб фойдаланишга топширишмоқда. Қисқача айтганда, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида моддий неъмат яратиш, фуқароларнинг маданий турмуш даражасини кўтаришга эътибор қўйилган.

Қиш мавсуми талофатсиз ўтсин

Яратилаётган бундай моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнғин офатларидан ҳимоялаш ҳам шу куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Республика Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари ходимлари мамлакатимиз моддий бойликларини асраш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келишмоқда. Йилда бир маротаба Вазирилар Маҳкамасининг қарорига асосан "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирининг ўтказилиши ҳам ана шундай ишларнинг биридир.

Ойлик давомида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан рўйхатга олинган объектлардан 27 111 таси текширилиб, 18 740 тасининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Ёнғинларнинг асосий қисми фуқаролар яшаш уйларида тўғри келатганлигини инобатга олган ҳолда тадбир давомида 1 791 830 та аҳоли турар жойлари ҳамда 16 712 та қўп қаватли уйлар текшириб чиқилишига эришилди. Ўтказилган текширув ва ўрганишлар натижасида ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бузган раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан жарималар солинди.

Қиш мавсумида фуқароларимиз хонадонларини мавсумга тайёрлаб, иситиш тизимини соз қоллатга келтирадидлар. Лекин, айрим ҳолатларда, кишилар носоқ бўлган иситиш печаларни ишлатишлари, қўлбола ясалган электр ва газ иситиш мосламаларидан фойдаланишга йўл қўядилар. Бунинг натижасида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсизликларга олиб келадиган вазиятлар юзага келади. Буларнинг келиб чиқиши са-

Алишер АБИДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЕХББ бўлим бошлиғи

бабларига назар солсак акарият ҳолатларда ёнғинлар инсонларнинг ҳаётлиги ва безпарволиги сабабли содир бўлаётганлигини гувоҳи бўламиз. Содир бўлаётган ёнғинларнинг 75 фоизи аҳоли турар жойларида тўғри келатганини ниҳоятда ачинарли ҳолатдир. Мисол учун, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида яшовчи фуқаро А.Пурасовнинг уйда ёнғин содир бўлган. Уни ўчириш вақтида уй эгасининг жасади топилиб. Бу воқеанинг сабаблари ўрганилганда фуқаро Пурасов маст ҳолда, сигарета чекиб ухлаб қолганлиги натижасида ёнғин юзага келганлиги маълум бўлди.

Фуқароларимиз томонидан газ иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ва техник қоидаларига риоя этилмаликлари, носоқ бўлган газ асбоб-ускуналарни ишлатишлари сабабли ҳам қатор нохушлиқлар ва ёнғинлар юзага келмоқда. Жумладан, Бухоро вилояти, Бухоро туманида яшовчи Д.Тўраевнинг уйда ўрнатилган голланд печига ўтказилган газ қувурининг жўмраги тўлиқ беркитилмаганини оқибатида табиий газ сизиб чиқиб, хонага тўпланиб қолгани ҳамда гўгурт ёқиб вақтида хонадаги газ ва ҳаво аралашмасини чакнашиб содир бўлган. Унинг натижасида уйнинг том ва девор қисмлари қулаб, 3 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

Шунинг учун ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақатгина шу соҳа ходимларининг вазифаси эмас, балки барча фуқароларнинг бурчи эканлигини унутмайлик.

«Ҳаётим» деганди уни...



Ертўладаги икки киши

Кўприк устидан қандайдир бир нарсанинг сувга ташлаб юборилганини ҳеч ким кўрмади. Мабодо, бу ҳолатга бирор киши ғувоҳ бўлганда ҳам, эътиборсизлик билан қараган бўларди. Чунки чиқиндиларни сувга оқишиш, гарчи номақбул иш бўлса-да, айрим одамлар шу ишни қилмоқда. Аммо гап бу ҳақда эмас. Қашқадарёнинг кўприги устидан сувга ташланган нарса ёш бир аёлнинг сумкаси эди. Чамаси 26 ёшлардаги киши дарёнинг бўғана тўқинлари устида қалқиб-қалқиб оқаётган буюмга бир назар ташлади-да, тезда бу жойдан узоклашди.

Бундан бир неча дақиқа аввал у қоронғу ертўлада ёшгина бир аёл билан ўтирарди. Кўздан пана, хилват гўшага улар овлоқ йўл орқали кириб келишди. Аёл пальтоси ва костюмини ечиб, сумкаси билан бирга хона бурчагига олиб бориб қўйди. Эракнинг талаби шундай эди. Кейин улар бир муддат суҳбатлашиб ўтирдилар.

Кейин йўлчи (йигитнинг исми шундай эди) аёлни эркалаган бўлиб бўйнига рўмонлини ўради ва тўсатдан бўға бошлади. Албатта, аёл бундай бўлишини кутмаган, унинг эркалашларини самимий, деб ўйлаб, ҳомиласи борлигини ва яна бир неча ойдан кейин фарзандли бўлишларини ҳам айтган эди. Бир неча дақиқа давом этган жон талвасасидан кейин аёл таслим бўлди.

Изни йўқотиш пайида

Йўлчи жонсиз жасадини ертўланинг ичкари хонасидаги қоронғу жойга судраб борди. Унинг оёғидан ечилиб қолган туфлини олиб, сумкага солди. Пальто билан костюмини жасадининг устига ёпиб қўйди.

Эндиги асосий вазифа жиноят изларини йўқотиш эди. Ана шу мақсадда аёлнинг сумкасини орқа эшикдан олиб чиқиб, Қарши шаҳри томон йўл олди. Йўл-йўлакай жиноят изларини йўқотишга доир яна бир қатор ишларни бажарди. Аввало, ўзи билан аёлнинг телефонидagi сим карталарни синдириб, йўлга ташлаб юборди. Шаҳарнинг Ўзбекистон кўчасидан борар экан, марҳумнинг телефонини ҳам машина деразасидан кўчага улоқтирди. Дарё кўприги устидан ўтаётганда эса сумка ва туфлидан ҳам қўтулган бўлса-да, жиноят изларини йўқотиш борасидаги қилган ишдан кўнгли тўлмади.

"Қоронғу ертўлада ётган жасад ким эканлигини ҳеч ким таний олмаслиги керак", деган фикр унга тинчлик бермаётган эди. Уйига қайтган йўлчи Хўжагелдиев янги ре-

жалар туза бошлади. Буларнинг ҳаммаси фақатгина жиноят изини йўқотиш ва жазодан сақланиб қолишга қаратилган эди.

Муштарак тақдирлар

Жасади Косон тумани тиббиёт бирлашмасининг ертўласида ётган аёл йўлчининг иккинчи хотини эди. Улар қонуний никоҳдан ўтмай, қатъий никоҳ билан чекланиб, етти ой турмуш кечирди.

Йўлчи биринчи хотини билан 6 ой яшагандан кейин, у билан ажрашди. 2011 йилнинг май ойидан бошлаб эса у бошқа аёлни топиб, шаръий никоҳ ўқитиб, яшай бошлади. 2011 йил декабрь ойининг охирида йўлчи хотинини қайночасининг уйига олиб бориб қўйди. Бу ҳолат оилавий муносабатларнинг бузилганлигини кўрсатарди. Энди иккинчи хотиннинг ўрнини ўзининг эгаллаши керак эди. Навбатдаги танишув орадан бир ой ўтиб, 2012 йилнинг январиди рўй берди. Яна аввалгидек ахду паймон қилинди ва кўп ўтмай тўй кўни белгиланди.

Биринчи хотин билан олти ой, иккинчиси билан етти ой турмуш қурган йўлчи Хўжагелдиевнинг кейинги маъшуқаси билан қанча умргузаронлик қилиши ўзига ҳам, бўлажак хотинига ҳам маълум эмасди.

Никоҳ кўни шу йилнинг 31 март кўнига белгиланди. Шу давр оралиғида йўлчи вақтини беҳудага ўтказмай, иккинчи хотини билан телефон орқали алоқа қилиб турди. У кўнгирок қилар, учрашув жойини ва вақтини белгилар, аёл йўлчи айтган манзилда ҳозир бўларди. Кейин улар фурсатни ганимат билиб, Қарши шаҳридаги таниш-билишларининг уйда тунаб қолардилар. Бундай учрашувлардан кейин иккинчи хотин дам-бадам телефон қилиб, бирга яшашни таклиф эта бошлади. Йўлчининг ҳаёли эса учинчи хотинда. Тўй яқин. Иккинчи хотинни бартараф этмаса, бирор қорхон юз беришидан чўчир, унинг ҳомиладорлигини ўйлар ва фарзанд дунёга келса, алимент масаласи ҳам кўндаланг бўлиши унга сира тинчлик бермасди.

"Қутулишнинг осон йўли — уни ўлдириш". Ана шу фикр йўлчини одамийлик қиёфасини буткул йўқотишга сабаб бўлди. У қотиллик режасини туза бошлади.

Ертўлага қайтиш

Йўлчи туни билан ўйлаб, охири жасадини ёқиб юбориш керак, деган қарорга келди. Ана шу мақсадда велосипедга ўтириб, қишлоқдоши Х.Баратовнинг уйига борди. Мототиклининг бензини туғаб қолганлигини баҳона қилиб,

ундан икки литр бензин олди. Сўнг Касби туманидаги таниши С.Дилмуродовни кига бориб, яна ёлгон тўқиди: "Амаки маст бўлиб, чой-хонада ётиб қолибди. Уни олиб келиш учун Косонга кетаяпман", — деди ва велосипедини чекқурун олиб кетишини айтиб, йўлга тушди.

Бионинг орқа дарвозадан 14 март кўни қандай кирган бўлса, 15 мартда ҳам ўша йўл билан ертўлага тушди. Аёлнинг жасади қоронғу бурчақда ўзи қандай қолдирган бўлса, шу ҳолатда ётарди.

Йўлчи бензинни жасад устига сепди. Гугурт қақиб юборди. Бу пайтда чамаси кеч соат 20:30лар эди. Атрофни кузатиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган, йўлга чиқди ва йўловчи машинага ўтириб, Касби туманига қайтди. Санжарниқидан велосипедини ҳам олишни унутмади.

Қотил ҳамма ишни ўзича пухта бажарганига, энди жасадини ҳеч ким танимаслигига ишонч ҳосил қилди, 31 март кўнига белгиланган никоҳ тўйига тайёргарлик қўрарди.

Дарвоқе, қотиллик юз берган ўша кўни (2012 йил 14 март) у ота-онасига тўй учун таниш-билишларидан қарзга пул олишини айтиб, чиқиб кетганди. Ҳақиқатдан ҳам ўзига яқин 2-3 дўстидан қарз сўраб, улардан пул ололмаган ва ўша кўни қотилликка қўл урган эди.

Телефондаги ёзув

Телефон рақами ўрнига "Ҳаётим" деб ёзилган сўз аёл учун йўлчини аңглатарди. Ғувоҳ Д.Норқобилова судда марҳумга ва йўлчига нисбатан ҳеч қандай адовати йўқлигини айтиб, қотилликдан бир неча кун аввал бўлиб ўтган воқеаларга аниқлик киритди.

Маълум бўлишича, исм-фамилиясини, яшаш жойини айтиб, ўзини таништирган қизга Д.Норқобилова ўз уйдан жой берган ва "Менинг уйимда ким билан турасан?" деб сўраган. Шунда ҳалиги қиз турмуш ўртоғи борлигини, унинг исми йўлчи эканлигини айтган. Турмуш ўртоғи Фузор туманида усталик билан шуғулланаётганлиги ва тез кунда қайтишини билдирган. Хонадон эгаси эса улар учун хоналардан бирини ижарага берган.

Ғувоҳнинг айтишича, орадан 4-5 кун ўтиб, қизнинг бош оғриғи тутиб қолади. Шунда унинг ота-онаси ёки турмуш ўртоғига кўнгирок қилиш учун қизнинг телефонини олиб (унинг илтимоси билан) ракам термоқчи бўлади ва йўлчининг номи ўрнида "Ҳаётим" деган ёзув борлигини аңглайди.

Афсуски, қиз "ҳаётим", деб улуғлаган кимса унинг ишончига раҳна солди. Ҳаётини барбод этди. Жиноятни яшириш ва қонун олдида жавоб беришдан қўрқиб, жасадини ўтда ёқибдек қабихликдан ҳам қайтмади.

Калаванинг бир учи

Йўлчи хотинининг ҳомилдорлигини биларди. Демак, қишлоқ врачлик пунктда у рўйхатга олинган. Ана шу

Раҳим ОЙМАМАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

ҳужжат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига калаванинг учини тутқизиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр йўлчини яна ҳаракатга келтирди. У ўша ерда ишлайдиган ҳамшира Н.Латипова билан учрашиб, хотинининг ҳомиладорлигига оид қоғозларни сўраб олди. Унга кўз югуртириб боланинг отаси, деган ёзув қаршисида йўлчи Хўжагелдиев исм-фамилияси турганлигини қўриб, газаби жўшди. Бола бошқа кишидан бўлганлигини айтиб, ҳужжатларни парча-парча қилди ва ўзи билан бирга олиб чиқиб кетди.

Ҳамшира Н.Латипованинг судда ғувоҳлик беришича, бу воқеа 2012 йил 13 мартда рўй беради. Ҳомиладорлик бўйича қўрилган кузатув "F-III" ҳамда "Ф-025-у" амбулатория картаси йўлчи Хўжагелдиев томонидан йўқотилгандан кейин ҚВП ходимлари карта дубликатини қайтадан туздилар.

Бундан қўринадики, йўлчи хотинининг жонига қасд қилишдан бир кун аввал у ерга борган ва ўзи режалаштирган қотилликдан из қолдирмаслик тараддуидида бўлган. Аммо бу қилими билан калаванинг учини ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қўлига тутқазиб қўётганлигига ақли етмаган.

Судда бошқа ғувоҳлар қатори Н.Латипова ҳам Косон тумани тиббиёт бирлашмаси биносининг ертўласидан топилган, ёши 22-30 ларда бўлган, осий миллатига мансуб аёлнинг жасади йўлчи Хўжагелдиевнинг хотини эканлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Тергов жараёнида айби тўлиқ исботланган қотилнинг қилимиш қонун бўйича қўриб чиқилди. Суд Й.Хўжагелдиевнинг Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топиб, унга ўн саккиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида

Ҳаётини йўлчи Хўжагелдиев билан боғлаган аёллар, яъни унинг биринчи, иккинчи хотини ва унаштириб қўйилган учинчисининг тақдирларида муштараклигини изоҳлашга ҳоҷат йўқ. Айрим хотин-қизларимиз турмуш қуриш, умр йўлдошини танлашда нима сабабдан янглишадилар? Нега ўз тақдирларини бўлар-бўлмас кишилар билан боғлаверадилар? Ҳеч бўлмаганда, туғилажак фарзандимнинг отаси қандай одам, зоти-зурриёти ким унинг? Мени бахтли қила оладими? Ҳаёт йўлида суянчи, бир умрлик йўлдош бўла оладими, деб ўзларига савол бериб кўрмайдиларми? Ҳаётга, оила ва фарзандлар тақдирига бу қадар бефарқликнинг илдизи қаерда?

Буларнинг барчаси битта манба — қиз боланинг оилада олган тарбиясига боғлиқ. Фарзанд қиз бўладими, ўғил бўладими, майда ҳиссиётлар доирасида ўралашиб қолмаслиги, ўзини улўғ ишларга тайёрлаб бориши керак.

Ёз оқшоми. Тун ярмилан ошган. Саратоннинг жазирасидан чарчаган одамлар алақачон уйқуга кетган. Бу пайтда жиноятларини амалга оширмақчи бўлган Иброҳим Исмолов, Абдуҳалим Қашқоров, Ўқтам Ойбеков ва Қозир Рус-тамовларгина белор (исм-фамилиялар ўзгартirilган). Улар ҳамтовоғи Неймат Равшановни қуттишмоқда.

Тунги шарпалар

Музаффар МАМАТОВ,
Арнасой туман прокурори ёрдамчиси

Сабаби, унинг "Дамас" автомашинаси бор. Белгиланган манзилга эса шу автомашинада бориб келишилган. Жиноий ғуруҳ қилинадиган ишларни режалаштириб олишга ҳам улгурган. Унга қўра бу кимсалар, Арнасой туманидаги "Сағинсойбахори" фермер ҳўжалигидаги қўралардан қўйларни ўйирлаб, олинган "ўлжа"ни сотиб, пулини бўлиб олишлари керак.

Тунги соат 2:00да ўз бошқарувидagi "Дамас" ида келган Неймат Равшанов туман марказидаги Сибё кўчасининг Иброҳим Исмолов яшайдиган уй ёнида тўхтади. Ана шу манзилда жиноий ғуруҳ уни кутарди. Ярим тунда улар келишилганидек, туманнинг "Сағинсойбахори" фермер ҳўжалигига йўл олишди. Йўлда улар ўзаро суҳбатлашиб боришарди.

— Чўпоннинг оёқ-қўлларини боғлаб ташлаб, қўчқор ўйирлаймиз, — деди Иброҳим.

— Қаршилиқ кўрсатсачи? — деди Абдуҳалим.

— Менда пичоқ бор, — гапга қўшилди Қодир.

— Ўлдирмаймиз. Фақат қўрқитамиз, — деди Ўқтам.

— Қоронғуда таниб ўтирибдими, — деди ўғри боши Иброҳим.

Босқинчилар режалаштирилган манзилга етиб келишди. Автомашина овозини эшитган чўпоннинг итлари шарпа келаётган томонга қараб хура бошладилар. Сергак тортган чўпон овоз берди.

— Ким бўласизлар, ярим тунда юрган.

— Хорманг чўпон ака, — деди Иброҳим.

— Кеча 10 бош қўйимиз йўқолган эди. Кун бўйи қидириб тополмадик. Мабодо, сизнинг қўйларингизга қўшилмадими?

— Йўқ қўшилмади. Қўй излаган одам кундуз келмайдим, биродар, — деди чўпон қўлидаги чирогови улар юзига тутиб.

— Бир бош қўй керак, — деди чўпонга дабдурустан Қодир. — Харажат чиқиб қолди. Қўйингизни еб кетмаймиз. Қайтарамиз.

— Сизларни танимасам. Харажатларингиз учун нега мен қўй беришим керак? — деди чўпоннинг асаби бузилиб. — Еки миллияча чақирайми.

— Қўй ҳозирга керак, харажат чиқиб қолди дедик-ку, — деди Абдуҳалим билан Ўқтам буйруқ оҳангиди.

Чўпон уларнинг шартига рози бўлмаган, босқинчилар унинг қўлоғини боғлаб, 7 бош қўйни "Дамас"га юклаб, ортага қайтишди. Тонг отгач, чўпон бўлган воқеани туман ички ишлар бўлимига келиб айтиб берди.

Бу жиноятни фош этиш узокқа қўзилмади. Жиноий ғуруҳнинг қилимиш жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судида атрофлича қўриб чиқилиб, уларга қонуний ҳақ тайинланди. Жиноят қуроли сифатида фойдаланилган "Дамас" автомашинаси эса давлат эгаллигига ўтказилди.

«GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очiq танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Пешку туман ҳокимининг 2012 йил 17 ноябрдаги 655-сонли, 2012 йил 17 ноябрдаги 690-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Пешку тумани Зандани ҚФЙ, Бобохожи қишлоғи 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 480 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 180 019,2 сўм.

2. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Пешку тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али ибн Сино шох кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 87920,0 сўм.

3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Пешку тумани Чибогони ҚФЙ, Кучок қишлоғи 2-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37504,0 сўм.

4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Пешку тумани Чибогони ҚФЙ, Кучок

қишлоғи 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 120 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 45004,8 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пешку туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танлов ташкилотчиси — "GOLDEN BUILD TRADING" МЧЖ. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Пиридастгир кўчаси 6-уй. Тел: (+99893) 960-36-03, (+99894) 548-70-20 электрон почта: www.g_b_t@list.ru. Лицензия № RR 0117.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманомалар билан бирга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг

танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгорларга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 18 январь кuni соат 18:00 да тўхтатади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пешку туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 21 январь кuni соат 11:00 да очилади, 2013 йил 21 январь кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 21 январдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 5 февраль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 4 февраль соат 18:00 да тўхтатади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пешку туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 5 февраль кuni соат 11:00 да очилади, 2013 йил 5 февраль кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танлов ҳужжатлари олиш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: АТБ "Урун банк" Бухоро филиали х/р: 20208000704953182001, (ОЖОНХ: 83200, МФО: 00111, ИНН: 302118823.)

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Пиридастгир кўчаси 6-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиалида 2012 йил 11 декабрда ўтказилган танлов савдоси натижалари

Объект номи	Жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўмда)	Сотилиш қиймати (минг сўмда)
Тошкент шаҳар 2012 йил 11 декабрда			
"Mirzo Ulugbek Kommunal qurilish tamirlash" МЧЖга қарашли Тошкент ш. Мирзо Улуғбек т. Мустақиллик шох кўчаси, 86а-уй манзилида жойлашган, майдони 51 кв.м. бино қисми.	Тошкент ш. Мирзо Улуғбек т. Мустақиллик шох кўчаси, 86а-уйда	87 870 743,00	89 000,00

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг Қашқадарё вилоят филиалида 2012 йил 17 декабрда ўтказилган аукцион савдоси натижалари

Объект номи	Жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўмда)	Сотилиш қиймати (минг сўмда)
Қашқадарё вилояти 2012 йил 17 декабрда			
Маъмурий ва ёрдамчи бинолар	Ўзгир тумани Ўзбекистон кўчаси	54 939 502,00	60 500,00

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг Самарқанд вилоят филиалида 2012 йил 11 декабрда ўтказилган аукцион савдоси натижалари

Объект номи	Жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўмда)	Сотилиш қиймати (минг сўмда)
Самарқанд вилояти 2012 йил 11 декабрда			
Қурилиш тугалланмаган "Дала ховли"	Самарқанд вил. Самарқанд ш. Ўзбектракти кўчаси 37-уй	48 191 000,00	55 421,00

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» мчж бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 14 декабрдаги 136-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қаватида жойлашган, **бошланғич баҳоси 803 805 000 сўм** бўлган, "Дўкон" бино ва иншоотлари (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активи билан балансда сакловчи: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Давлат активи билан қурилиш ости майдони 1187,67 кв.м.

Бино ва иншоотларда газ, сув ва электр тармоқлари мавжуд.

Давлат активи билан аукцион савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Аукцион савдоси 2013 йил 21 январь кuni соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Бюртма-

номаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 18 январь кuni соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 21 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 28 январь ва 4, 11 февраль кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Бюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2013 йил 28 январдаги савдолар учун 25 январь кuni соат 18:00; 4 февралдаги савдолар учун 1 февраль кuni соат 18:00; 11 февралдаги савдолар учун 8 февраль кuni соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизи, яъни 120 570 750 сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олдинчи шартномада расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтқа-

зилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олдинчи шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлашни таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамчи-1 кўчаси, 1 "А"-уй манзилидаги бинонинг 4-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдирishi билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича муносабат учун манзил: **Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамчи-1 кўчаси, 1 "А"-уй. Тел 228-79-52, 228-84-48.**

Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Наманган вилоят прокуратураси жамоаси Наманган вилоят прокурори Алишер Ҳусайновга волидан муҳтарамаси **Шарипахон аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ) Сизларни яқинлашиб келаётган 2013 йил билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«Янги йил 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларни сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрида;
- миқдори чекланмаган.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir
Gulnoza RAHIMOVA o'rinbosari)
Yusupboy G'OIPOV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy,
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va egalariqa qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg'a oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-6024.45 847 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

